

Б-Ч


Абулғозий Баҳодирхон




ШАЖАРАЙИ  
ТАРОКИМА

446.2  
89  
б-41

Абулғозий Бакодирхон



# ШАЖАРАЙИ ТАРОКИМА



*Нашрга тайёрловчи:*

*филология фанлари доктори, Ҳалқаро Мағмуд Кошгарий  
мукофоти совриндори ҚОЗОҚБОЙ МАҲМУДОВ*

Мұхаррір  
Тұлғын АЛИМОВ

**Баҳодирхон, Абулғозий.**

Шажарайи тарокима (Нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов). — Т.: Чүлпон, 1995. — 486.

XVII асрда яшаган Хива қоғи А. Баҳодирхонниң «Шажарайи тарокима» асари түркій жалқларыннан көлиб чиқыши ва улардан тарихи таркии тоғышы әқида қыматты мәдениеттегі берадиган шебб әдебиятшылар, Муаллиф конкрет тарихий шахслар әқида гапиарқас, уәвернинг характерларини яратади, кизиқарлы воқеаларни бадиғи бүекларда чызади.

63.5×63.3(5y)

A  $\frac{4702620104-74}{360(04)} = 95$  6-95

ISBN 5-8250-0426-2

© А. Баҳодирхон, 1995 йил.

## КИРИШ

XVII асрда Туркистон Хива хонлиги, Бухоро хонлиги, Кўқон хонлиги, Улур жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз ҳамда Қашқария (Шарқий Туркистон) хонликларига бўллииб кетган әди. Сиёсий тарқоқлик ҳамда эски савдо йўли ёки ипак йўли ўз йўналишини ўзгартириб, денгиз муҳитларига кўчиши Туркистоннинг иқтисодий, маданий жиҳатдан тушкунликка олиб келган сабаблардан биридир. Иккинчидан, хонликлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар ҳам барча хонликлarda хўжалик ва маданий ҳаётни орқага кетишига олиб келди.

Шунингдек, Туркистон улур давлатларнинг орасида сиёсий-иқтисодий, маданий жиҳатдан маҳсус қамал ҳолатида әди. Шимолда Россия империяси, шарқда Хитой империяси ҳар томонлама хавф солиб турар әди. Шундай бўлса ҳам бу даврда турли жаңрларда тарихий, бадиий, фалсафий, диний, тиббий мазмундаги асарлар дунёга келди. Хива хони Абулғозий Баҳодирхон, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Турди Фарогий, Саидо Насафий, Маҳмуд ибн Валий, Муҳаммад Амин Бухорий, Юсуф Қорабогий каби қатор шоир, файласуф, тарихчи, табиатшунос олимлар етишиб чиқди.

«Шажарайи тарокима» ёзма обидасининг муаллифи Хива хони, Абулғозий Араб Муҳаммадхон ўғли ҳижрий сана 1012 йил 15 Раббиул аввал ойида, милодий сана 1603 йил 12 августда XVII асрдаги Хива хонлиги пойтахти Урганч шаҳрида таваллуд топган, ўзбек әлининг қўнгирот уруғидандир. Абулғозийхоннинг ҳаёти, ижтимоий сиёсий фаолияти «Шажарайи турқ» ёзма обидасида баътағсил сўзлаб ўтилган.

Абулғозий Баҳодирхоннинг асарлари ичida «Шажарайи тарокима» («Туркманлар шажараси»), «Шажарайи турқ» («Турклар шажараси») муҳим ўринни әгаллади. Муаллифнинг айтишига қараганда, «Шажарайи тарокима» туркман оқсоқоллари ва улур бошлиқларнинг таклифига кўра оддий турк кишиси тушунадиган, ҳатто беш яшар турк ўғлони ҳам англайдиган тилда ёзилган. Асарда Одам ато авлодлари, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбаримизга қадар ўтган пайғамбарлар өсланади, Нуҳ пайғамбарнинг Хом, Сом, Ёфас ҳамда Ёфаснинг

үгли Турк ҳақида ҳикоя қиласы, турк, мұғул халқлары тарихи сұзланады, Қорахон үгли Үғузхон фаолияти ҳақида тұхталады, бутун үғуз әли ва туркман халқининг қабилавий таркиби, уруғларининг бир-бiri билан бөләнган нұқтасы, тарихий-этногенезиниң күрсатыб үтилады. Шунингдек, Хива хонлиги билан туркманларниң сиёсий куашлари ҳам әслаб үтилған. «Шажарайи тарокима» асари Абулғозий Баҳодирхон таҳтта үтиргандан анча вақт үтгандан сүнг ёзилғанлығы таъқидланған. Бу маълумотта қараганда, 1660—1661 йиллар орасыда ижод қилинған. «Шажарайи тарокима» ёзма обидасыда туркман қавми билан Хива хонлиги орасыдаги сиёсий куашлар, туркманларни итоат қылдириш учун олиб борилған куашлар баён әтилған, үзбек ва туркман халқлары ўтасыда иноқлик үрнатилиши таъқидланған.

Абулғозий Баҳодирхон 1630—1640 йиллари Эронпинг Исфихон шаҳрида сиёсий тутқунлиқда яшаган даврларыда Рашид-ид-дин, Шарағиддин Али Яздий каби тарихчиларниң асарлари билан танинған. Бу асарни ёзғанда Эрон ва Тураннинг тарихига оид үн саккизта ёзма манбалардан ҳамда халқ оғзіда сақланыб қолған ривоятлардағы фойдаланған. Асарнинг ўндағы құлөзма нусхалари Үзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослық институтыда, Тошкентдеги Алишер Навоий номлы кутубхонада, Ашхободдаги Туркманистан Фанлар академиясы кутубхонасида, Россия Фанлар академиясы Шарқшунослық институтининг Ленинград бўлимида ҳамда Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда. Биз асарни нашрға тайёрлашда А. Н. Кононов томонидан Үзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослық институтыда сақланғанда әнг ишончли ва тўлиқ нусхаси асосыда қиёсий метод билан 1958 йили Москва ва Ленинградда нашр қилинған араб ёзувидағи асар матнидан фойдаландик. Ушбу асарни нашрға тайёрлашда бир қатор сўзлар әски үзбек тили талаффузи асосыда берилди. Шунингдек, воқеа сўзи таркибидаги е товуши жарангсиз қ товуши билан келиши туркий тил қонунларига мос келмайды, шунга кўра ө үрнида қаттиқ талаффуз қилинувчи и (ы) товушини қўлладик. Бундан ташқари, қон, гон, кон, гон, роқ қўшимчалари таркибидаги о унлиси тарихан ҳамда ҳозир ҳам үзбек тилининг фонетик қонунларига зид бўлгани учун а товуши орқали қан, ған, кан, ган, рақ, рак шаклида бердик.

Туркий тилга хос қўк, кўл, учун кул, улуш каби сўзларда юмшоқ ў ва у товушларини ифодалаш имконияти бўлмади.

## *Бисмиллохир роҳманир роҳийим.*

Сипос ва стойиш ул әгага ким аниң ҳеч аввали үзүн  
охири йўқ ва юртинг заволи йўқ ва отаси ва онаси  
йўқ ва хотини ва ўғули ва қизи ва кенгаша турған киши-  
си йўқ турур, ошни ва сувни андақ улаштурғувчи йўқ  
турур ким гадойдин то подшоҳгача ва қумрсақадин то  
пилгача (филгача) ва чибиндин то семруггача барчасининг  
аҳволига лойиқ берур. Бир кун ҳеч қаюсинг үлушкини  
кам қилмас, агар ер юзинда қўкарган ийроғларнинг бар-  
часи қалам бўлса ва тенгизлар сиёҳ бўлса, барча одам  
фарзанди битикчи бўлса тақи юз минг ва юз минг йил  
апинг сифатини битса тенгиздин бир катра ва тоғдин бир  
мисқол тошни битгандин азрақ бўлғай. Бас менинг айд-  
ганим пе бўлғай. Дуруд ва таҳъя бешумор ул пайгамбар-  
га ким барча пайгамбарларнинг яхшиси ва худой дўсти  
ва барча одам фарзандига юборган әлчиси турур. Аниң  
ёрон ва ўғлонлариға кўпдин кўп тангри раҳмати бўлғай.  
Эмди мундин сўнг Чингиз авлодидин Урганчи Араб  
Муҳаммадхоннинг ўели Абулгозийхон айтатурур ким  
кўп эмгаклар кўргандин сўнг ёшимиз ўттуз тўққузга ет-  
ганди тарих минг тақи эллик бирда йилон йилинда Хо-  
разм мамлакатинда отамиз тахтида ўлтуруб, юрт ишига  
машғул бўлдуқ. Ул вақтда туркман Мангышлоқ ва  
Абулхон ва Тежан сувининг ёқасида ўлтуруб эрдилар.  
Хоразмда ўлтурғанлари ҳам бизнинг келуримизни эши-  
тиб қочиб, бу айтилған уч юртга бордилар. Андин сўнг  
бир нечаси қўч бирлан ва нечаси йўл бирлан уч юртда  
бир эвли қолмай барчаси Хоразмға келдилар тақи яхши-  
лари навкар ва ёмонлари раъиятлари ва беклари менинг  
тарихни яхши билуримни эшитиб турурлар тақи бир кун  
барчалари келиб, арз қилдилар ким бизнинг ичимизда  
Ўғузнома кўп турур, аммо ҳеч яхшиси йўқ, барчаси га-  
лат ва бириси бирисинга мувофиқ эрмас, ҳар қайсиси бир  
турлук ва бир дуруст эътибор қилғудек тарих бўлса эрди,  
яхши бўлур эрди теб ўтун қилдилар эрса, онларнинг  
ўтуналарини қабил қилдим. Аниң учун ким бу китобни  
айтқандин ўн етти йил илгари барча туркманлар бизга  
ёғи бўлуб эрдилар. Ул сабабдин биз анларни кўп чопдуқ  
ва бир каррат Хурросонда Дурунга таъаллуқ Бурма теган  
сувнинг ёқасинда бизнинг бирлан саф тортиб (б-бег)  
урушдилар. Тангри бизга берди Аввалдин то охирғача  
биз сабабли яхши ва ёмондин йигирма минг чоқлиқ ни-

шилари ўлди, аниг ичинда гуноҳкорлари ҳам бор эрди ва бегуноҳлари ҳам бор эрди. Пайғамбар айтиб турурлар ким-қалан набийю алайҳиссалом адхалассуури фи қалбия мүминни хайр мин ибодатис сақалини маъниси бу турур ким агар бир киши бир мусулмон кишининг кўнглини хушҳол қиласа, аниг савоби барча Одам фарзандларининг ва жинларининг тангрига бандалик қилған савобиндин кўп турур. Бас неча минг кишилар менинг бу сўз айтқанимға билмаганларин билиб кўнгиллари хуш бўлатуур. Худойи таолодин умидим бор ки мунинг савоби агар ул қатлъомда гуноҳ бўлған бўлса, анга голиб келгай теб ва тақи ул ким бир кун бир киши бу китобни ўқуб билмаганини билса, бизнинг руҳимизга фотиҳа ўқуғай тедук тақи китобни айтмақда ружуъ қилдуқ тақи бу китобга «Шажарайи тарокима» теб от қўйдук. Барча билинг ким, биздин бурун туркий тарих айтқанлар арабий луғатларни қўшуб турурлар ва форсийни ҳам қўшуб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қилиб турурлар, ўзларининг хунарларин ва устодлиқларини халқга маълум қилмақ учун биз муиларнинг ҳеч қайсисини қилмадук, аниг учун ким, бу китобни ўқуғучи ва тинглагути албатта турк бўлғуси турур. Бас, туркларга туркона айтмак (айтмоқ) керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайдар бизнинг айтған сўзимизни (7-бет) билмасалар ёндин не хосил агар анларнинг иchlарида бир ва ё икки ўқуған ақл киши бўлса ул билса, билмаган кўйининг қайси бирина айтиб билдуур. Бас, андақ айтмақ керакким, яхши ва ёмон барчалари билиб кўнгилларига маъкул бўлғай, Эмди Одамдин то бу вақтгача ким тарих мингда етмиш бирда турур туркманларпинг ва 'сунг туркманотин қутариб, туркманга қўшилған элларнинг анча билганимизни бир-бир айталинг, билмаганимизга иложе.

## ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ЗИКРИ

Худойи таоло фаришталарга айтдиким, турпақдин киши ясад, жон бериб, ер юзинда ўз ўрнумға халифа қилиб қўя турурмен теди эрса, фаришталар айтдилар; анлар юқориги тўшак бирлан қуйиги тўшакни забт қила билмаслар. Ул сабабдин сепга осий бўлурлар, яратғанинг ўла турур тедилар. Худойи таоло айтди: мен билганини сизлар билмассизлар, баринглар! Турпақдин бир кишининг суратин ясанглар теди. Азроил алайҳиссалом худойининг амри бирлан барча ер юзингдаги ҳар турпақдин олиб, Маккайи Муаззама бирлан Тоифнинг орасинда

турпақни балчиқ қилиб, Одамнинг суратини ясаб ғана дилар, бир неча йиллар ўтгандин сүнг Худойи гаоло анга жон берди ва минг йил дунёда турди. Одам демаклик араб тили турур, араб терини одам дер, ҳар цимарсанинг тошини тери дерлар, фаришталар турпақни йерни қазиб, ичиндин олмадилар тошиндин олиб, (8-бет) Одамнинг суратини ясадилар, анинг учун одам тедилар анларнинг беҳиштга борғандари ва андин чиққаплари ва ер юзинда юрганларининг ҳикоятлари халиқ ичинда машҳур туур, анинг учун айтмадуқ. Одам ўлар бўлди әрса, Шис отли ўғлиға айтди ким, мендин сўнг, сен менинг ўрпумга ўлтуруб ўғлонларимга бош бўлғил, теб қўп насиҳатлар қилди. Бу дунёдин ул дунёға кетди. Андин сўнг Жаброил алайҳиссалом Худойи таолодин Шисга китоб олиб келди. Шис ҳам пайғамбар ва ҳам подшоҳ бўлуб, әлга адолат қилиб, тўқуз юз ўн икки йил бу дунёда туруб, жанинат саройига кетди. Шиснинг маъниси Худойининг ҳайбати демак бўлур. Шис ўлар вақтида ўғли Ануши ўрнинда ўлтурутуб кетди. Ануш тақи отаси ва улуғ отасининг шариъатига амал қилиб ул тақи отаси-тек тўқуз юз ўн икки йил бу манзилда ўтуруб, ул манзилга кетди. Ануши нинг маъниси содиқ темак бўлур. Ануш тақи ўларинда ўғли Қайнани ўрнинда ўлтурутуб, қўп насиҳат ва васият қилди. Ул тақи секиз юз қирқ йил отаси юрган йўлда туруб, ўғли Махлойилни ўз еринда ўлтурутуб, Тангри яқинига кетди. Махлойил замонинда Одам фарзанди кўп бўлди, ўлтурган ерга сигишмадилар, ул сабабдин Махлойил Бобил иқлимиға бориб бир шаҳар солди, отини Сус қўйди ва том, эв солди ва кендалар қилдурди, андин илғари шаҳар ва кенд ва эв йўқ әрди, тоғларнинг қавоқинда ва ё чангальда (9-бет) ўлтурур әрдилар, халқга ҳукм қилиди, ер юзига ёйилинг теб, барча Одам фарзандлари Махлойилнинг амри бирлан бориб, ҳар қайди муносаб ер бўлса, кендалар солдилар. Махлойил тўқуз юз йигирма йил сўзлайтурган шаҳарда туруб, ўғли Бардни ўз еринда ўлтурутуб, дам урмас шаҳрига кетди. Бард тақи тўқуз юз олтмиш йил бу юртда ўлтуруб, ўғли Ахнуни юртинда қўйуб кўчмас ва қўнмас юртга кетди, ўғлининг оти Ахнуҳ әрди ва лақаби Идрис, Худойи таоло ани пайғамбар қилди, саксон икки йил пайғамбарлик қилди, халқни тўғри йўлга уннади, андин сўнг Тангрининг амри бирлан Азройил келиб Идрис алайҳиссаломни парининг устида қўюб, беҳиштга олиб борди. Ул кундин то бу вақтгача беҳиштда турур. Идрис беҳиштга борғандин сўнг ўғли Матушалаҳ отаси ўрнинда ўлтурди, дод ва адл қилди, умрининг сони маълум әрмас, ул тақи отаси барган ерга

борди, андин сўнг Матушалахнинг ўғли Лимак отаси еринда ўлтуруб, кўп йиллар дод ва адл қилди тақи отаси кетган ўлга тушуб кетди, аниг ҳам умри маълум эрмас, андин сўнг ўғли Нуҳ пайғамбар отаси ўрнинда ўлтурди. Худой таоло икки юз эллик ёшига етганда пайғамбарлик берди, етти юз йил халқни тўғри ўлга ундаdi, эр ва хотундин саксан киши имон келтурдилар, етти юз йилнинг ичинда саксандин ортуқ (10-бет) киши имон келтурмаганига ачиғланисб халқға дуоибад қилди. Жабро-йил келди тақи айтди ким Худой таоло сенинг дуонгни қабул қилди, фалон вақтда халқни сувга гарқ қилур бўлди, сен кема ясағил теб, кемани нечик ясарин кўрсатди, ердин сув чиқди, осмондин ёмғур ёғди ер юзиндаги жонлининг барчаси гарқ бўлди. Нуҳ пайғамбар уч ўғли ва имон келтурған саксан киши бирлан кемага минди, бир неча ойдин сўнг ер Худой таолонинг амри бирлан сувни ўзига торти, кема Мұсул теган шаҳарнинг тақи яқинидаги Жуди теган тоғдин чиқди, кемадин чиққан кишиларниг барчаси бемор бўлдилар, Нуҳ пайғамбар уч ўғлини келини бирлан яхши бўлдилар, андин ўзга кишиларниг барчаси ўлдилар, андин сўнг Нуҳ пайғамбар уч ўғлини ҳар қайсисин бир ерга йибордини. Хом отли ўғлини Ҳиндистон ерига йибарди, Сом отли ўғлини Эрон заминга йибарди ва Ёфас отли ўғлини қутб шимоли тарағига йибарди тақи учига ҳам айтди ким Одам фарзандлариндин сиз учунгиздин ўзга киши қолмади, эмди учунгиз уч юртда турунг, ҳар қачон ўғлон ушоқингиз кўп бўлса, ул ерларни юрт қилиб ўлтурунг теди. Ёфасни баъзилар пайғамбар эрди деб туурлар ва баъзилар пайғамбар эрмас деб турулур. Ёйиқ сувининг ёқасига борди, икки юз эллик йил анда турди тақи вафот бўлди, саккиз ўғли бор эрди, авлоди бисёр кўп бўлуб эрди, ўғлонларниг отлари муналар туур: Турк, Хазар, Сақлаб, Рус, Минг, Чин; Камари (11-бет) Тарих, Ёфас ўларин-да улуғ ўғли Туркни ўрнинда ўлтур теб ўзга ўғлонларига айтдиким, Туркни ўзунгизга подшоҳ билиб, аниг сўзиндин чиқманг теди, Туркка Ёфас ўғлони теб лақаб қўйдилар, бисёр араблик ва оқил киши эрди, отасиндин сўнг ерларини юрди ва кўрди.... тақи бир ерини хушлаб, анда ўлтурууб, бу кун ул ерини Иссиғқўл дерлар, хиргоҳ (харгаҳ) эвни ул чиқарди, турклар ичида ким баъзи расмлар (русумлар) бор андин қолди, Туркнинг тўрт ўғли бор әди, аввал Тутак, иккинчи Чигил, учунчи Берсачар, тўртунчи Имлақ (Амлақ). Турк ўлар бўлғонида Тутакни ўз ўрина подшоҳ қилиб, узоқ сафарга кетди. Тутак ақлли ва давлатли, яхши подшоҳ эрди, турк ичида кўп расмларни ул пайдо

қилди. Ажам подшоҳларининг аввали Каюмарс бирлан маъсаер әрди. Кўнларда бир күп овта чиқиб айни ултуруб, кабоб қилиб еб ўлтуруб әрди, элкидиган бир тўграм эт ерга тушиди, ани олиб еди эрса, оғзиға бисёр хуш маза келди, анинг учун ул ер тузлақ әрди, ошиқа туз солмақни ул чиқарди, бу намакин расм андин қолди. Икки юз қирқ йил умриядин ўтгандин сўнг, ўғли Амулчахонни ўз еринда ўлтур деб, Борса келмас теган шаҳарга кетди. Амулчахон тақи кўп йиллар подшоҳлик қилиб, ошларини ошаб ва ёшларини яшаб отаси (12-бет) кейиндан кетди, ўлар вақтинда ўғли Бақий Дёбхонни ўрнида ўлтуртди, Дебнинг маъниси таҳтнинг ери, Бақуйнинг маъниси эл улуғи демак бўлур. Ул тақи кўп йиллар подшоҳлик қилиб, дўстларкинг кулганин, душманларнинг йиглаганин кўруб, севнуб, андин сўнг ўлар бўлғанда ўғли Кўкхонни таҳтинда ўлтур деб ўлди. Ул тақи кўп йиллар подшоҳлик қилди, отаси йўлиндин ташқари чиқмади, хаста булди ёрса, ўғли Алипчахонни ўз еринда ўлтуртуб узоқ сафарга кетди. Ул тақи кўп йиллар подшоҳлик қилди, оталариндин вилоятлари, эл, улуслари кўп бўлди, анинг әгиз ўғли бўлди, бирининг оти Татар ва бирининг оти Мўғул, отаси қари бўлғандин сўнг юртини икки бўлуб, икки ўғлига бериб вафот бўлди. Алинчахон ўлгандин сўнг, Татар ва Мўғул ҳар қайсиси ўз ерларинда подшоҳлик қилдилар. Мўғулхоннинг тўрт ўғли бор әрди, аввалғишинг оти Қораҳон, иккинчи Қўрхон, учунчи Қирхон, тўртунчи Урхон. Мўғулхон (нинг) улуғ ўғли Қораҳонга юртини бериб, барчапинг боратурған юртиға кетди. Қораҳон Ўр тоғини ва Кўр тоғни ёйлар әрди, бу чақда ани улуғ тоғ ва кичик тоғ дейтурлар, қиши бўлғанда Сир сувининг азақи ва Қонақум ва бурсуқни қишлилар әрди.

## ЎҒУЗХОННИНГ ДУНЁФА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ (13бет)

Қораҳоннинг улуғ хотинидин бир ўғли бўлди. Кўрки ой, кундин ортиқ, уч кечакундуз онасини әммади, ҳар кечакундуз онасининг тушига кириб айтур әрди: эй, она мусулмон бўлғил, агар бўлмасанг, ўлсан ўлармен, сенинг эмчакингни әммасмен теб әрди, онаси ўғлина қия билмади тақи Тангрининг бирликина имон келтурди ва андин сўнг ул ўғлон эмчакни эмди ва онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини кишига айтмади тақи яшурди, анинг учун ким турк халқи Ёғасдин то Алинчахон замонигача мусулмон әрдилар Алинчахон подшоҳ бўлғанди.

сүнг халқпинг боши ва моли күп бўлди, давлатга эсирилар тақи Ғангрини унутдишар ва барча эй көфир бўлдишар ва Қорахон замонида коғирликда андаг маҳкам әрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлғанин әшидса ўғли ўлтурур эрди ва ўғлипинг мусулмон бўлғонин әшидса отаси ўлтурур эрди, ул чақда мўгулнинг расми андаг әрдиким то ўғлон бир ёшга етмагинча анға от қўймаслар әрди, ўғлон бир ёшга етди эрса, Қорахон элга савун солди тақи улуғ тўй қилди, тўй куни ўғлонни маърака ичига келтуруб Қорахон бекларга айтди: бизнинг бу ўғлимиз бир ёшига етди, эмди мунға на от қуюрсиз теб, беклар жавоб бермасдин бурун ўғлон айтди: менинг отим Ўғуз турур теб, ўшал бир ёшар ўғлон анда равон келиб (14-бет) тилга, теди: билинглар аён, отим турур Ўғуз, Хисров номвар, билинглар яқин барча аҳли ҳунар, тўйга келган улуғ ва кичик барча ўғлоннинг бу сўзига тонг қолдилар тақи айтдилар ким бу ўғлоннинг ўзи отини айта турур, мундин яхши от бўлурми теб, отини Ўғуз қўйдилар тақи айтдилар ким бир ёшар ўғлоннинг мундақ сўзни сўзлаганини ҳеч замонда ҳеч ким әшитган ва кўрган йўқ турур теб ани ирим этиб айтдилар, ким бу узоқ умрли ва улуғ давлатли учи (авжи) ўзаган ва ёни ёйлаған бўлғуси турур тедилар. Ўғузхоннинг тили чиқиб юрганинда олло-олло теб ҳамиша айтур эрди, ани ҳар ким әшидса, айтурлар эрди, ўғлон турур, тили келмасликиндин не айтурин билмай турур дерлар эрди, анинг учун ким лафз олло араб тили турур, мўгулининг ҳеч отаси араб тилини әшитган әрмас, Ўғузни Худой таоло модарзод валий яратиб эрди, анинг учун кўнглини ва тилини ўзининг отини солатурур эрди. Чун Ўғуз йигит етишди эрса, Қорахон иниси Қўрхоннинг қизини олиб берди. Ўғуз киши йўқда, қизга айтди: олами, сени, бизни яратған бор, анинг оти олло турур, апи бор билгил ва бир билгил, анинг буюрганиндин ўзга ишни қилмақил теди эрса, қиз ани қабул қилмади, шул замон кўпди тақи қиздин бошқа ётди, кечалар бошқа ётиб, кундуз сўзлашмас эрди, бир неча вақтдин сўнг Қорахонга айтдилар ўғлингиз кўчини севмай турур, севмасликиндин олган куниндин бери бир ерда ётмай турур тедилар эрса, Қорахон бу сўзни әшитгандин сўнг (15-бет) тақи бир иниси Қирхоннинг қизини олиб берди, анға ҳам имон ара қил теди. Ул қиз ҳам қабул қилмади, анинг бирлан ҳам бир ерда ётмади, воқиатдин бир неча йиллар ўтгандин сўнг, Ўғузхон овға чиқиб, қайтиб кела эрди, кўрди ким сувнинг ёқасинда бир неча заъифалар кир юва турурлар, отасининг иниси Үрхоннинг қизи мунларнинг ичинда ўлтурууб турур, қизга киши йибариб сўз сўзлашмакка

сирим ошкора булур теб қүркти тақи қизни гүшага чорлаб, онт беріб, айтди ким, отам маңқа икки қиз олиб берді, аларни севмаганинг сабаби бу ким мен мусулмон, алар коғир, ҳарчанд мусулмон бўлунг тедим, қабул қилмадилар, агар сен мусулмон бўлсанг эрди, сени олур эрдим теди эрса, қиз сен не йўлда бўлсанг мен шул бўлайин теди, андин сўнг Ўгузхон отасига айтди, отаси Урхоннинг қизини улуғ тўй қилиб Ўгузга олиб берди. Ўл қиз мусулмон бўлди, Ўгуз ани кўп севар эрди. Мундин кўп йиллар ўтди, бир кун Ўгуз йироқ ерга овга келди, Қорахон барча кўчларин ва келинларин чақириб эрди, тақи сўзлашиб ўлтурғанда хотунининг сўрди ким мунини сабаби не турур, Ўгуз сўнги олған хотунини севар ва бурунғи олған икки хотунининг қатига ҳеч бормас, хотун айтди, мен билмайман, келинлар яхширак билурлар теди, хон келинлардин сўрди эрса, улуғ келин айтди, ўғлунгиз мусулмон бўлуб турур, биз иккимизга мусулмон бўл теди, қабул қилмадуқ, кичик келинингиз (16-бет) мусулмон бўлуб турур, анинг учун ўғлунгиз ани кўп сева турур теди. Қорахон бу сўзни әшитгандин сўнг бекларин чақириб кенгашти тақи сўзни мунга қўйдилар ким Ўгузни овда юрганда тутуб ўлтургайлар, Қорахон әлга киши йибарди, тез келсунлар, овга чиқаман теб, бу сўзни Ўгузхоннинг кичик хотуни әшитиб, Қорахоннинг қилган кенгашларининг барчасин айтиб, Ўгузхонга киши йибарди, Ўгузхон тақи бу сўзни әшитгандин сўнг, әлга кишилар йибарди, отам черик тортиб, мени ўлтургали кела турур, мени теган, менга келинг, отамни теган отамга боринг теб, әлнинг кўпи Қорахонға борди, озрақи Ўгузхон қатига бордилар. Қорахоннинг иниларининг кўп ўглонлари бор эрди, аларни Қорахондин айрилур теб, ҳеч кимнинг кўнглина келмас эрди, аиларнинг барчалари Ўгузхон қатига келдилар, Ўгузхон алларга уйғур от қўйдилар, уйғур турк тили турур, маъниси барчаға маълум турур, ёпишфур маънисина турур, айтурлар сут уйди, сут эрканинда бири бириндин айрилур эрди, қатиқ бўлғанидин сўнг бири бирига ёпиша турур, бу тақи айтурлар ким имомга уйдим, имом ўлтурса ўлтура турур, турса тура турур. Бас ёпишқани бўлмасму? Аллар келиб Ўгузхоннинг этакина икки қўллари бирлан маҳкам ёпишдилар эрса, хон алларга уйғур теди, ёпишқур темак бўлур. Қорахон бирлан Ўгузхон (17-бет) иккиси саф тортиб уруштилар, Худойи таоло Ўгузхонни голиб қилди, Қорахон қочти, урушда Қорахоннинг бошини ўқ тегди ким отеанин билмадилар, Қорахон ул ярадип ўлди. Ўгузхон отаси тахтинда ўлтурди.

## ЎГУЗХОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхон әлнинг барчасини мусулмонлиқга даъват қилди, мусулмон бўлғашларни сийлади ва бўлмағанларни чопти, ўзларини ўлтурди, ўғлонларини асир қилди, ул вақтда Қораҳонга таъаллуқ әлдин бошқа әллар кўп әрди, ҳар улуғ әлнинг бир бошқа подшоҳи бор әрди, кичик әллар анларға қўшулурур әрди, Қораҳоннинг мусулмон бўлғаш әллари Ўгузхонга қўшулади, Ўгузхон ҳар йилда мўғул юртида ўлтурған әллар бирлан урушур әрди ғолиб келур әрди, ахир барчасини олди ва қочиб қуртулғанлари татар хонина бориб сиғиндилар, татар ҳалқи ул вақтда чурчитға яқин ўлтуурлар әрди, чурчит теган бир улуғ юрт туур, шаҳарлари ва кенделари кўп. Хитойнинг темур қазуқ тарафинда бўлур, ҳинди ва тоҷик ани Чин мочин терлар. Ўгузхон бориб татарни чопти, татар хони кўп черик бирлан келиб урушди. Ўгузхон бости тақи лашқарини қирди. Ўгузхоннинг лашқарининг қўлина ўлжали ўлук мол тушди ким юкламакка кулик озлиқ қилди, бир яхши чебар киши бор әрди, ул фикр қилиб арабани ясади, андин кўрмакча барча араба ясад, (18-бет) ўлжаларини юклаб қайтдилар, арабага қаниқ от қўйдилар андин илгари анида йўқ әрди, ўзида йўқ әрди, анинг учун қаниқ тедилар. ким юрганда қаниқ қилиб овоз қилур, ани ясаған кишини қаниқли тедилар. Барча қаниқли әли ул кишининг ўғлонлари туур. Ўгузхон етмиш икки йилғача мўғул ва татар ўз сўнғаки (сингаки) әрди, анлар бирлан урушди етмиш уч йил бўлғандა барчасини ўз оғзига бақтуруб, мусулмон қилди. Андин сўнг юруб Хитойни олди ва чурчитни олди ва тақи танқутни олди, танқутни тоҷиклар тибет дерлар, андин сўнг бориб қорахитойни олди, ул ҳам улуғ юрт бўлур, кишисининг ҷараси (чехраси) ҳинду тег қора бўлур, Ҳиндистон бирлан Хитойнинг орасинда миҳит тенгизининг ёқосинда бўлур, танқутнинг қиш(и) бўлғанда кун туғуши ва ёй бўлғандада тушлукинда бўлур, Хитойнинг нари юзинда, тенгиз ёқасинда берк тоғларнинг ичинда кўп өл бор әрди, анинг подшоҳининг отини Итбарақхон дерлар әрди, анинг устина отланиб борди, урушдилар. Итбарақхон ғолиб келди, Ўгузхон қочти, урушқан ерининг бери юзинда оқиб боратурған икки улуғ сув бор әрди, ул икки сувнинг орасинда бир неча кун тууруб қочқин лашнинг олдин ортин йиғди, улуғ подшоҳларнинг одатлари туур, узоқ сафарға борғандада кўчларин олиб бормоқ навжар ҳалқининг ҳам баъзилари олиб борурлар, Ўгузхоннинг бир беги кўчин (19-бет) олиб бориб әрди, ўзи урушда ўлди, хотуни қуртулуб икки сувнинг орасинда хон кейни-

дин етди, юкли әрди, түлғағи тутди, кун савуқ әрди, кирмакка эв йүқ, бир чирик оғач ичинда ўғлон тугурди, мұна хонға маълум қилдилар әрса, хон айтди; мунинг отаси бизнинг олдимизда ұлди, ғамхүри йүқ теб ўғил үқинди, отини қипчоқ құйди, қадим түрк тилинде ичи қувиш (құймиш). оғачни қипчак дерлар әркандурлар аниңг учун ул ўғлон оғач ичинда туғди теб, отис Қипчақ құйдилар, бу вақтда ичи күвш (нов) оғачни чинчак дей турурлар, қора халқнинг тили келмасликиндіп қоғни чим (ч) ўқый туур, шул қипчоқ туур, чипчақ дейтуурлар, ул ўғлонни хон ўз құливда сақлади, йигит бүлғандын сүңг ўрус ва ўлақ ва мажар ва бошқырд әллари ёғи әрдилар. Қипчақта күп әл ва навкар бериб, ул ёққа Тин ва (Атил) Итил сувининг ёқасиға йибарди, уч юз йил Қипчақ үл ерларда подшоҳлиқ қилиб ўлтурди, барча қипчақ әли аниңг наслидин турурлар. Үғузхоннинг замониндин то Чингизхон замонигача Тин ва Итил ва Ейік бу уч сувининг ёқасида қипчақдин ўзга әл йүқ әрди, тұрт миғ ғилеме ала үл ерларда ўлтурдилар, аниңг учун ул ерларни Даشتі Қипчақ дерлар. Чингизхон Эрон ва Турон устинан келганды бу юртларнинг подшоҳи султон Мұхаммад Хоразмшоҳ теган әрди, аниңг пойтахти Урганч әрди. Чингизхон бирлан уруша билмай қочиб Мозандарон кетди. Чингизхон Бухоро ва Самарқанд ва Тошкендни олиб Ироқ ва Гилон (20-бет) ва Мозандарон ва Озарбойжон ва Гуржистонға Жеба нұён, Субидай Баҳодир теган иккі бегини бош қилиб ўттуз минг киши бирдан ииборди, кичик ўғли Тулихонни әллик минг киши бирлан Хурсонға йибарди. Султон Мұхаммад Хоразмшоҳнинг пойтахти ва навкари ва хазинанинг турған ери туур таб, улуғ ўғли Жұжихон ва иккінчи ўғли Чигатайхон ва учинчи ўғли Ұктой (Ұгадай) хон бу учисини саксон минг киши бирлан Урганчға йибарди. Урганчда подшоҳ йүқ әрди, султонлар дунё ва дини учун саккиз ой шаҳарға қабалиб урушдилар, тұққуздланчи ойда Чингизхоннинг ўғлонлары шаҳарни олдилар тақи халқни қатл-ом қилиб Чигатай бирлан Ұқдой (Ұгадой) қайтиб Термизда отаси хизматта борди, Жұжи ўзина таъаллук навкари бирлан Урганчдин Даشتі қипчаққа борди, қипчақ халқи йиғилиб урушдилар, Жұжихон басты тақи қипчақцинг құлға тушганиң ўлтурдилар, құртулғани иштакға борди, иштакнинг күпраги бу вақтда шу қипчақнинг наслиндив туур, Атил (Итил) бирлан Тин сувининг орасында ўлтурған қипчоқлар тұрт тарағға қочиб кетдилар, күпраги черкас ва туман юртиға бордилар. Жұжихон қипчақнинг ўғлон ушагын ўлжа қилиб, қипчақ юртінда ўлтурди, мүгулдин әвині өтаси

Бергап элларнинг барчасин келтурди, ўзбакпинг ҳар урғиндин қипчақ ютиға кучуб келдилар, андин сўнг, Жўжикон ўлди ва юрт ўғли Сайнин хонга қолди, Жўжикон ўғлонлариндин йигирма тўрт киши ул юртда подшоҳлик қилдилар, аниг замонинда ул юртни Сайнин юти дерлар эрди, андин сўнг, ул юрт манғитга тушди, онларнинг аввали оқ манғитли (21-бет) Қатлиқ-қаёлининг ўғли Эдигай бий теган эрди, андин сўнг Манғит юти тедилар. Тарих минг тақи қирқда орқа тарафдан қалмақ элинидин подшоҳининг оти Ўрлук ўн минг эвлик келиб Манғит ютинда ўлтурди. Бу кун тарих мингда етмиш бирда ва сичқан йили туурур. Эмди ул юртни қалмақ юти дей турурлар, балли бу дупё бир работқа ўхшар, Одам фарзандлари карвонга ўхшарлар бири кўчар, бири қўнар.

Ўгузхон Итбарақхонга бостурғандин ўн етти йил сўнг тақи отланиб бориб Итбарақхон бирлан урушуб, босиб, Итбарақхонни ўлтурууб, ютини олиб, мусулмон бўлғанларига тегмай қўюб, Таңгриға имон келтурмаганларини ўлтурууб, ўғлонларини асир қилиб, қайтиб эвига тушди.

## ЎГУЗХОННИНГ ТУРОН ВА ХИНДИСТОНҒА ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгузхон тамом мўгул ва татар элиниң лашкарини жамъ қилиб, Талаш ва Сайрамга келди, Тошкенд Самарқанд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб, уруша билмадилар, улуғ шаҳарларга ва маҳкам қалъаларға беркиндилар, Ўгузхон Сайрам ва Тошкентни ўзи қабаб олди. Туркистон ва Андижонга ўғлонларини йибарди, олти ойда Туркистон бирлап Андижонни олиб, отаси хизматига келдилар. Ўгузхон бу айтилган вилоятларнинг барчасига даруғалар қўюб, Самарқанд сари юрди тақи Самарқандни олиб, даруга, қўюб Бухороға борди, Бухорони ҳам олиб даруга қўюб, Балх борди, Балхни ҳам олиб даруга қўюб, Фур вилоятининг устига юрди, қиши эрди, кунлар ёмон совуқ эрди, Фурииш тогларига қор кўп тушуб эрди, лашкар ҳалиқи юрмакка қийналдилар, хон ҳуқум қилди ким (22-ял) ҳеч ким мендис қолмасун теб, бориб Фури олдъ эрса, ел келиб ёз бўлди. Лашкарнинг сонин олди, бир печа киши кам келди, онларни сўрди ҳеч ким билмадилар, бир печа купдии сўнг ул кишилар хон хизматига келдилар, хон апларнинг аҳволини сўрди эрса, айтдилар ким печа киши лашкарнинг сўнгидин кела туур әрдук, хотинда бир печа улуғ қор ёғди, андин сўнг юрий билмас ушал срда ёттуқ, отларимиз ва теваларимиз бар-

часи ўлди, баҳор бўлғандин сўнг пиёда кела туурмиз тедилар, хон ҳукм қилди: ул жамоъатга қарлиқ десўнлар теб, барча қарлиқ эли анларнинг наслиндин турур, андин ўтуб, Кобул ва Газнайнни олди, андин сўнг Кашмир устига юрди, ул чақда Кашмирнинг подшоҳининг оти Ёғмо әрди, Кашмирнинг маҳкам тоғлари улуг сувлари кўп бўлур. Ёғмо анга орқа бериб, Ўғузхонға боқинмади, бир йил уруштилар икки тарафдин кўп кишилар ўлди, оқибат Ўғузхон Кашмирни олди тақи Ёғмони ўлтурди, лашкарини қатл-ом қилди, бир неча вақт анда туруб, қайтиб Бадахшон усти бирлан Самарқанд келди, андин Мўғилистонға бориб әвига тушди.

## ЎҒУЗХОННИНГ ЭРОН ВА ШОМ ВА МИСР САРИ ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бир йил юртинда туруб, иккинчи йил (23-бет) элга жар (чар) қилдурди, «Эрон сари юруб туурмен, неча йиллик ғамларин есунлар», теб иккинчи йили отланди тақи Талаш шаҳрига келди, хоннинг лашкари кейининда қўйған кишилари бор эрди ариған ва очған ва адашған ва текканни олиб келсун теб, ул кишилар лашкар сўнгинда қалған бир әвлик кишини хон олдига олиб келдилар, хон ул кишидин сўрди ким не учун кейин қолиб әрдинг теб, ул айтди: кунликимнинг озлиқидин лашкарнинг сўнгидин кела турур эрдум, хотунум ҳомила эрди, туғурди, очлиқ сабабиндин онасининг сути ўғлонга етишмади, кела турур эрдим сувнинг ёқосинда кўрдумки бир шағал бир қирғавулни олди, оғоч бирлан шағални урдум эрса, қирғавулни ташлаб қочти, ани олиб, кабоб қилиб хотунумға бериб туруб эрдим, сўнгда қўйған кишиларнингиз йўлуқуб олиб келдилар, хон қақирға от ва озиқ ва мол бериб бу черикка бормагил теб, қол оч теди, барча қолоч эли шул кишининг наслиндин турурлар, бу вақтда халаҷ дей турурлар, Маворунанаҳрда кўп турур, аймақ элиша қўшила турурлар, Хуросон ва Ироқда ҳам кўп бўлур, онлар чигатой элина қўшула турурлар. Балхға таъаллуқ Ғур теган шаҳарда ўлтурган қолочлардин оти Муҳаммад, лақаби Баҳтиёр бир паҳлавон йигит бор эрди Ҳиндустоннинг Деҳли теган шаҳринда Қутбиддин (24-бет) отли бир мусулмон подшоҳ бор эрди, Муҳаммад бориб онға павкар бўлди, бир неча йилдин сўнг, улуг бек ўлди, Ҳиндустон теган бўлак-бўлак кўп юрт бўлур, Биҳор отли бир юрт бўлур, Кашмир яқининда бўлур, Қутбиддин Муҳаммад Баҳтиёрни илғорбоши қилиб, онға йибарди, Муҳаммад Баҳтиёр Биҳор юртини олди. Биҳорнинг офтоб чиқаринда

тақи бир юрт бор әрди, анинг улуғ шаҳрининг оти Лакшир әрди, анинг тўқсон ёшор подшоҳи бор әрди, ота отадин ул юртнинг подшоҳи әрди, бориб, ул юртни олди, неча йиллардин бери йиғиштурған хазинаси қўлина тушди, Лакширнинг темур қазуқ тарафида бир улуғ шаҳар бор әрди Лактуни отлик, бориб ани тақи олди ва хутбани ўз отига ўқутуб ва саккани ўз отига суқтурууб, Лактуни шаҳрини шайтантас қилиб ўлтурди. Қолоч өлиндин ўн минг киши анинг қатига йиғилдилар, Лактуни бирлан Тибетнинг орасинда отлик киши бир ётиб бора турған ер бўлур, аммо бир баланд тоғи бўлур, бир йўли бўлур, бир отлик юрур, икки отлик ёнашиб юрий билмас, Мұҳаммад Бахтиёр ўн минг отлик ва ўттуз минг пиёда бирлан ўшул нўлдии бориб Тибетни чопиб келди, тақи бир неча кундин сўнг вафот бўлди, барча қолоч ҳалқи йирилиб, Ширағ теганини подшоҳ қилдилар, ул ўлгандин сўнг, Мардон теганини (25-бет) подшоҳ қилдилар ва Мардон йилдам ва отқучи йигит әрди, аммо ҳеч ақли йўқ әрди, бу фоятда ким бир кун кўринишида ўлтурғанда бекларина боқиб айтди, Исфиҳонни, фалонни сенга бердим. Қазминни сенга бердим, шундақ теб, Хуросон ва Ироқ ва Румнинг анча била турған шаҳарларишнинг бир бор отларин тутуб, наవкарларина улаштурди, Тангрим берса сизларга берайим темади, мундақ теса, бўлмас әрди, менинг вилоятларим турур, сизларга бердим теб, таъзим қилдурди ва бир кун бир дедҳоҳ келиб юклиб айтди ким савдогармен, бу кеча фалонча минг таңгамни ўғри олиб турур теди тақи девонга ҳукм бити теди, девон Исфиҳоннинг даругалиқини савдогарнинг отига битиб, муҳр қилиб қўлиға берди. Савдогар қўрққаниндин сўз айта билмай ёрлиқни олиб, бошиға санчди, қўрпишда ўлтириған ҳалқ ҳам қўрқничинин ҳеч нимарса айта билмадилар, бир оқилбеги бор әрди, ул айтди: подшоҳим мунғга Исфиҳоннинг даругалиқин бердингиз, бу киши агар мундин Исфиҳонга ёлғуз борса, сизнинг отингизга ёмон бўлур, бу кишига ул чақли нимарса берингиз ким қўшли ва наవкарли бўлуб боргай теди, ул бадбаҳтининг қўнглига бу сўз яхши келиб, юз минг тапга инъом қилди ва тақи бир ёмонлиги бу ким қолоч ҳалқини яхши кишиларини бегуноҳ ўлтура бошлади, эл яхшиларни йиттилиб, кенгаш қилиб, Мардонни ўлтуруб Аваз теганини (26-бет) Лактуни таҳтида ўлтурдилар, ул ҳам ўн икки йилдии сўнг ўлди, андин сўнг, ул юрт қолочларнинг қўлиндин чиқди, ўзга кишига тушди, андин сўнг, қолочлар павкар бўлдилар, қолочларнинг подшоҳлиги аввалидин то охиригача эллик тўрт йил бўлди. Эмди қоочларга бўлуб, айтатурған сўзимизни қўйгали муничақлиқ

айтдук (этдук), етар. Ўғузхон Талашдин ўтуб Самарқанд  
ва Бухорога келиб, Аму сувидин ўтуб, Хурсонга борди,  
ул чақда Эрон юртинга яхши подшоҳ йўқ эрди, Каюмар ўлуб  
эрди, Ҳушангни ҳанув подшоҳ кўтармай туур әр-  
дилар, андақ вақтни араб мулукут тавоиф тер, маъниси  
бу ким ҳар бир тўп элда бир тўра темак бўлур. Турклар  
бўлур. Турклар андақ вақтни әв бошиға қораҳон дерлар,  
маъниси ҳар эвда қора киши бир хон бўлиб туур, ҳар  
эвга бир хон темак бўлур, ул чақда Эрон юрти шундац  
эрди, Хурсонни олди, андин ўтуб Ироқи ажам ва Ироқи  
араб ва арман ва Шом ва Мисргача олди, бу айтилған  
вилоятларнинг бир нечасини урушиб ва барчасини боқин-  
дуриб, ўзига таъаллуқ қилиди. Ўғузхон Шом вилоятинда  
тургандпа пинҳоний бир навкарининг қўлина бир олтун  
ёй ва уч ўқни берди тақи айтди ёйни кун туғишинда бир  
чўлда киши аёғи етмас ерда турпакқа кўмуб бир учини  
чиқариб қўйғил ва ўқлар кун ботиши тарафига әлтиб,  
ёйни нечук қўйсанг ани шундоғ қўйғил теди, ул киши  
ёрлиққа амал қилиб келди, бу воқиъадин бир йил (27-бет)  
ўтгандин сўнг уч улуғ ўғли Кун ва Ой ва Юлдузни чар-  
лаб айтди: ёт юртга келибмен, ишим кўп, ов овламақа  
қўлум етишмай туур, кун туғиши тарафинда фалон  
чўлнинг ови кўп эрмиш теб эшитдим, ўз навкарларин-  
тиз билан анда бориб, ўтав сўқуб келинглар теди, андин  
сўнг уч кичик ўғли Кўк ва Тоғ ва Тенгиз бу учусини  
чарлаб, ақаларин айтқан сўзни айтиб, кун ботиши та-  
рафига йибарди, бир неча кундин сўнг уч улуғ ўғлонлари  
бир олтун ёй бирлан кўп овни хонадонлариға келтурди-  
лар, уч кичик ўғлонлари тақи уч олтун ўқ бирлан кўп  
овни келтурдилар, ул овнинг әтларина кўп әтлар ва тур-  
лук ошларни қўшуб, халқни чақириб ёйнинг ва ўқнинг  
тошилғанин ирим қилиб, ўзларига қайта бўрди, уч улуғ  
ўғли ёйни синдириб олишдилар уч кичик ўғли ҳар қайси  
бир ўқни олдилар, олған вилоятларда кўп йиллар туруб,  
душманларини йўқ қилиб, дўстларини сийлаб, боши  
Сайрам аёғи Мисргача олған вилоятларининг барчасина  
ҳокимлар қўюб, қайтиб, ўз юртага тушди.

### ЎҒУЗХОНИНГ ЮРТИНА КЕЛИБ ТҮЙ ҚИЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўғлонларим халқим бирлан эсон омон бориб кел-  
дим теб. улуг тўй ёронни қилиб, бир хиргоҳ ясаттурди,  
барча оғочларини ~~1924~~ олтуп қоплади, лаъл ва ёқут  
ва аумруди тафсизлаб турулди, яшер турдурди,  
бу бай

**KALISHEK NAVOIY NOMIDASI**  
2-518 ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

~~G'zbek filoqiyasi~~  
Takollefi  
KUTUBXONASI

Бир эв тикти олтундин ул шаҳриёр,  
Ким ул эв фалак әвиндин қилди ор.  
(28-бет)

Түккүз минг қўй ва түккүз юз йилқи ўлтуртди, булғаридин тўқсан тўккүз ҳовуз қилдирди, тўккүзиға арақ ва тўхсонига қимиз тўлтуртди, барча навкарларини чақириб келтуртди, ул олти ўғлиға кўп насиҳатлар айтиб (этуб) ва беклар ўргатиб юртлар ва шаҳарлар ва эллар ва инъомлар берди. Бу байтларни аниг васфинда айтиб турур:

Шеър:

Ўғуз қилди ул тўйда чирғамиши,  
Бу олти ўғулни суюргамиши.  
Булар кўрсатиб эрли мардоналик,  
Ота бирлан кўп турли фазопалиқ  
Отаға (онлар) бас қилдилар ёрлиқ,  
Уруш кун(ларин) да барчаси борлиқ.

Андин сўнг барча навкарларининг отқан ва чопқап ва қилған хизматлариға лойиқ шаҳарлар ва сарҳадлар ва кенделар ва инъомлар берди тақи ўғлонларига айтди: сиз уч улуғингиз олтун ёйни тошиб келтурдингиз тақи ани бузуб улаштингиз, сизларнинг отингиз Бузуқ бўлсун, сизлардин бўлған ўғлонларни ҳам то қиёматгача Бузуқ тесунлар. Уч ўқ келтурган уч кичик ўғлини ва андин бўлғанларни бу кундин то дунё охир бўлгунча уч ўқ тесунлар ёй ва ўқни ки топиб келтурдингизлар ул кишидин бўлмади ва Тангридин бўлди: биздин бурун ўтган халқлар ёйни подшоҳ ўрнинда билиб турурлар, ўқни элчи ерияда, аниг учун ким ёй ўқни қайси тарафга тортиб йибарса, ўқ анқа борур. Эмди мен ўлгандин сўнг Кунхон менинг таҳтимда ўлтурсун, андин сўнг Бузуқ наслиндин ҳар ким қобил бўлса, халқ ани подшоҳ (29-бет) қилсуплар, дунё охир бўлгунча Бузуқнинг бир яхиси подшоҳ бўлсин, ўзгалари ўнгда ўлтурсунлар, уч ўқлар сўл бўлсунлар, әвнинг сўл тарафинда ўлтурсунлар ва дунё охир бўлгунча навкарлигига рози бўлсунлар, теб айтди ва юз тақи ўн олти йил подшоҳлик қилиб, ҳақ раҳматига борди.

### ЎҒУЗХОННИНГ УЛУҒ ЎҒЛИ КУНХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Ўғуахоннинг уйғур теб от қўйгани жамоатнинг улуғи ва оқсоқолининг ўғли бор эрди. Арқил хўжа отлиқ, Ўғузхон отаси таҳтимда ўлтуруб то ўлгунча вазир вакили ул өрди, оқил ва донишли ва кўп билигли киши эрди ва

Күпхон тақи ани вазир қилиб, то ўзи ўлгунча анииг сўнга амал қилур эрди, Арқил хўжা узоқ умр топди, кунларда бир кун хон ёлғуз ўлтурғандай айтди: отанг юзда ўн олти йил ёзнииг иссиғинда сояда ўлтурмай ва қишигинг совуқинда эвда ўлтурмай қилич уруб кўн юртларни очиб сиз олтингизга қўюб кетди, агар сиз олтингизнинг ва сизлардин бўлғанлар барчангизнинг оғзингиз бир бўлса, узоқ йиллар ва кўп кунлар бу юртлар қўйингиздан чиқмас, агар оғзиларингиз бир бўлмаса, ўлжа юртингизда кетар ва бойири юртингизда кетар ва молингиз, жонингизда кетар теди. Кунхон айтди: отамга кенгаш бературған әрдингиз, отам ўрнига эмди отамсиз, сиз не ишни ўхшатсангиз, мен ани қилаийин, теди эрса, Арқил хўжা айтди: Ўғузхондин кўп юртлар ва шаҳарлар ва эллар ва ўлук моллар ва тирик моллар қолиб туур, сиз олти ўғулнинг ҳар бирингиздин (30-бет) тўрт ўғул бўлуб, барчаси йигирма тўрт подшоҳзода бўлуб, сиз олтингиздин бошқа ва мен андин қўрқа туурмен, дунёлиқ учун оғизларингиз ола бўлур теб, Кунхон Арқил хўжанинг сўзини қабул қилиб, улуғ қурултой қилди, яхши ва ёмон халқнинг барчаси келгандин сўнг ул Ўғузхондин қолган вилоятлар ва эллар ва ўлук молларнинг ва тирик молларнинг барчасини бу айтилган ўттуз подшоҳзодаларнинг улуғина улуғча ва кичкина кичикча берди, бу йигирма тўрт ўғул одми хотунлардин бўлған эрди, муналардин ўзга қумалардин бўлған ҳам ўғлонлар кўн эрди, анларнинг ҳам аҳволлариға лойиқ нимарсалар бердилар, андин сўнг Ўғузхон қилтурған олтун эвии тиктурди, ўнг ёқда олти оқ ўрга ва сўл ёқда олти оқ ўрга тиктурди ва тақи ўнг ёқда бопина олтун тақуқ беркитган қирқ қулоч оғачни тиктурди ва сўл ёқда бопина кумуш тақуқ беркитган қирқ қулоч оғачни тиктурди ва тақи хон ёслиқи бирлан бузуқ ўғлонлари, навкарлари бирлан олтун тақуқни уч ўқ ўғлонлари навкарлари бирлан кумиш тақуқни от бирлан чопин отдилар, тақуқларни урғон кипиларға кўп инъомлар берди. Кунхон отасининг қилганига амал қилиб, тўққуз юз йилли ва тўққуз минг қўй ўлтартди ва тўққуз буллар ҳовузга арақ тўлтартди ва тўхсон булғар ҳовузга қимиса солдуртди, қирқ кечава кундуз айш-ишрат қилдилар.

## ЎҒУЗХОННИНГ ЎҒЛОЛЛАРИ ВА НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Эмди анлар ичиб (31-бет) ей турсунлар, биз Ўгузхоннинг этакиидин ёйилған ўғлонларнинг отларини ай-

талинг: аввал ҳам айтиб әрдук, андақ ҳам бўлса, ўғлонларин ва набираларин ва барчаларин бир ерда айтмақни муносиб кўрдук. Ўғузхоннинг улуғ ўғлиниң оти Кунхон ва андин кичикининг оти Ойхон ва андин кичикининг оти Юлдузхон ва андин кичикининг оти Кўкхон ва андин кичикининг оти Тоғхон ва андин кичикининг оти Тенгизхон, бу олтисининг ҳар қайсисининг адми хотунларидин бўлған тўрт ўғли бор әрди. Кунхоннинг улуғ ўғлиниң оти Қайи ва иккинчи Баёт ва учунчи Алқа звли ва тўртунчи Қора эвли. Ойхоннинг улуғ ўғлиниң оти Ёзир ва иккинчи Ёсир ва учунчи Дударга ва тўртунчи Дукар. Юлдузхоннинг улуғ ўғлиниң оти Авшар ва иккинчи Қизиқ ва учунчи Бекдили ва тўртунчи Қарқин. Кўкхоннинг улуғ ўғлиниң оти Баёндур ва иккинчи Бажна ва учунчи Чавилдур ва тўртунчи Чепни. Тоғхоннинг улуғ ўғлиниң оти Салур ва иккинчи Аймир ва учунчи Ола йўнтили ва тўртунчи Урагир. Тенгизхоннинг улуғ ўғлиниң оти Игdir ва иккинчи Букдуз (Бекидез) (Бекдуз) ва учунчи Ава (Ива) ва тўртунчи Қиниқ. Ўғузхоннинг бу олти ўғлиниң қумадин бўяған ўғлонларининг отларини айталинг, аммо қайси ўғлиниң бўлгани маълум эрмас. Кена-куна турбатли, Керайли, Султонли, Ўқли, Кўкли, Сучли, Хурсонли, Юртчи, Жомчи, Турмачи, Кўми (Кўмчи), Сурқи. (32-бет). Бу вақтда ани Сурхи дейтурлар, Қурчик, Суварчик, Қазгурт, Қирғиз, Такан (Така), Лола, Мурдашуй, Сайир. Эмди бир неча өллар ким Ўғузхон онларни от қўюб айдуқ. Ўғузхон насландин эрмаслар, андақ ҳам бўлса, шул тўйда бор әрди, ул сабабдин отларини номада битий турурлар, отлари булар туур ким Қаниқли ва Қипчақ ва Қарлиқ ва Қолоч.

## КУНХОННИНГ ИНИЛАРИ ВА ЎҒЛОНЛАРИФА ЎРУН БЕРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Эмди ўн икки ўргада ўлтуруб улуш олған ким ва ул улушни тўғрагон ким, ташқарида отларин тутуб ўлтурған ким, онларни баён қиласлинг. Олтун ўрганинг тўринда Кунхон ўлтурди, барча эл яхшилари иттифоқ қилиб, қўйининг бошин ва орқасин, қўйруқли учасин ва бағрин учанинг устинда қўюб, Кунхоннинг олдинда қўйдилар ҳам ким хон бўлса, улушлари бу бўлсун тедилар, ўрганинг ички әшикинда Арқил хўжа ўлтурди, тўшни анинг әлдинда қўйдилар тақи ҳам ким вазир бўлса, анинг улушки бу бўлсун тедилар, соғ қўлда (ўлги) аввал ўргада

Кунхоннинг улуғ ўғли Қайини ўлтуртдилар соғ ошиқли иликни улуш бердилар. Баёт ани түгради, Сурхи отларин тутди. Бу вақтда ани Сурхи дей туурлар. Иккинчи ўргада Алқа эвлини ўлтуртдилар, соғ қора йилики улуш бердилар, Қора эвли ани түгради, Лола отларин (33-бет) тутди, учунчи ўргада Ойхоннинг улуғ ўғли Ёзири ўлтуртдилар, соғ ёнбошни улуш бердилар, Ёсир ани түгради, Қўми отларини тутди. Тўртунчи ўргада Дудурғани ўлтуртдилар, соғ ўмчани улуш бердилар, Дукир ани түгради, Мурдашўй отларин тутди. Бешинчи ўргада Юлдузхоннинг улуғ ўғли Авшарни ўлтуртдилар соғ уйлуқни улуш бердилар, Қизиқ ани түгради, Турумчи отларин тутди. Олтинчи ўргада Бекдилини ўлтуртдилар соғ ёгринни улуш бердилар, Қарқин ани түгради, Қорчиқ отларин тутди, сўл ёндағи аввалги ўргада Қўкхоннинг улуғ ўғли Баёндурни ўлтуртдилар, сўл уйлуқни улуш бердилар, Бажна ани түгради, Қазғурт отларин тутди, Иккинчи ўргада Човулдурни ўлтуртдилар, сўл ёнбошни улуш бердилар, Жабни (Чебни) ани түгради, Қаниқли отларин тутди. Учунчи ўргада Тоғхоннинг улуғ ўғли Солурни ўлтуртдилар, сўл ашиқли йилликни улуш бердилар, Аймир ани түгради, Қолоч отларни тутди. Тўртунчи ўргада Ола йўнтини ўлтуртдилар, сўл умчани улуш бердилар, Урагир ани түгради, Текан (така) отларни тутди, бешинчи ўргада Тегизхоннинг улуғ ўғли Игдурни ўлтуртдилар, сўл қари йиликини улуш бердилар, Букдуз ани түгради, Қорлиқ отларин тутди. Олтинчи ўргада Авани (Ивани) ўлтуртдилар, сўл ёгринни улуш бердилар. Қиниқ ани түгради, Қипчақ отларин тутди.

(34-бет) Бурунги ўтган бахшилари ва умри маъракада ўтган яхшилари андақ айтиб туурлар ким Ўғузхоннинг олти ўғлининг асл хотунаридин туққап набирашлари, йигирми тўрт киши эрдилар, Кунхон авларнинг ҳар иккисини бир ўргада ўлтуртди, ўн икки бўлак бўлдилар, бу ўн иккисидин тугқанларга юзлик тедилар аниг учун ким ҳар нимарсанинг юзи кейинидин яхши бўлур, әлнинг ва халқнинг юзларига тутқан юзликлари туур темак бўлур ва тақи ул ким. Ўғузхоннинг бир неча от қўйган кишилари ва қумадин тугқап набиралари муплар ҳам йигирми тўрт кишилар бордилар, барчаси-нинг отларини юқорида бир-бир айтиб туурмиз. Буларнинг барчаси әвнинг ташқарисинда ўлтурдилар, ўн иккиси от тутуб ўлтуртди ва ўн иккиси эпикда ўлтурди, бу йигирма тўртидин тугқанларға аймақ тедилар, асли умақ туур, расм туур ким қора улуснинг барчаси сўз-

ни бутуп айта билмас, ёрти айтурлар. Ушбу ҳақда ҳам бир киши бир қишидиг сұрса, әлишниң умақи пе турур төб сұрап, умақ мүғул тපли турур, бу вақтда қалмақ ҳам умақ дей турур, умақнинг маъниси (35-бет) уруғ темак бўлур, туркманларнинг ўн икки юзлик ва иғирми тўрт умақ теганларицинг маъниси бу турур.

## ЎГУЗХОННИНГ НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИНГ МАЪНИСИ ВА ТАМҒАЛАРИ ВА ҚЎШЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Туркманнинг тарих била турғап билигли қариларниң барилари Ўгузхонниң ўн икки ўргада ўлтурған иғирми тўрт набирасининг отларининг маъпиларини ва тамғаларининг нечуп эркачини ва қўшлари турған қўшларининг отларини, мундақ айтиб турурлар ким Қайининг маъниси маҳкам темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши шунқар; Баётнинг маъниси давлатли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши уки (укки); Алқа эвлининг маъниси мувоғик темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши Куйкан; Қора эвлининг маъниси ҳар қайда ўлтурса хиргоҳ бирлан ўлтурғучи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши кўбак сари; Ёзирининг маъниси әллар оқаси темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши турутмой; Есирининг маъниси олдиға ҳар нимарса учраса ани ийқар темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши карғу; Дудурғанинг маъниси юрт олмақни ва ани сақламақни билгачи темак бўлур, тамғасининг суврати бу турур: қуши қизил қарчиғай; Дукарининг маъниси тўсарак (турк) темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши кўчган (кўчкин); авишарнинг маъниси ишни йилдам ишлагучи (36-бет) темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши чора Лочин; Қизиқнинг маъниси бўка темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши саріча; Бекдилининг маъниси сўз ҳўматли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши баҳри; Қарқипнинг маъниси ошти темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши ҳумой; Салурнинг маъниси қулачли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши Лочип; Бажпаннинг маъниси қилгучи темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши олатўганас; Чавулдуруннинг маъниси помусли темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур: қуши бугдайнақ; чебни (жебни) пинг маъпиди баҳодир темак бўлур, тамгасининг суврати бу турур:

куши ҳумой; Салурнинг маъниси қулачли темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши бургут; Аймирнинг маъниси бойларнинг бойи темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши анчари; Ола йўнтилининг маъниси ола отли темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: бешик тег, қуши ёғалбай; Урагирнинг маъниси яхши иш қилғучи темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши байқу: Игдирнинг маъниси улуг темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши қарчиғай; Букдурнинг маъниси хизматкор темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши италгу; Аванинг (Иванинг) маъниси мартабаси баланд темак бўлур, тамгасининг суврати, бу туур: қуши туйғун; (37-бет) Қўниқнинг маъниси азиз темак бўлур, тамгасининг суврати бу туур: қуши чаракарчиғай.

## ЎҒУЗ ЭЛИНИНГ АҲД ҚИЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Хон бошлиқ барча ҳалқ айтдилар ким бир тавар ё ўн ё юз ва ё ҳар не чақлиқ ўлтурсангиз умчасини ушбу айтилған гег улашиб олишсунлар тақи ҳар қайсиси ўзининг ўғлонлари бирлан ва навкарлари бирлан есунлар ва тақи айтдилар ким бир қиши гуноҳкор бўлса, ул қиши подшоҳ ўлтурган ерга ёвуқ бўлса ва ё йирақ бўлса, ул гупоҳ қилған қиши подшоҳнинг уруғиндин бўлса ва ё ўзга уруғидин бўлса, хоннинг бир қишиси бориб, ани ёрғу қилса, анча хоннинг иниси ва ўғли ва беклари хеч нимарса қўл ёпмасунлар ва мени теб, келиб туур теб, пушти паноҳ бўлуб, агар ҳар ким орқа бўлсалар, ул орқа бўлған қишини подшоҳ энникина келтуруб, орқасина қилич бирлан чопиб, икки бўлак қилмоқ керак, то кўрганча кўз ва эшитганча қулоқ бўлғай ва тақи ул ким Ўғуз наслиндин ва бузуқ ўғлонларидин бир қишини подшоҳ қилғайлар, икки қишини кўттармагайлар, анинг учун хон бир бўлса, әл тузалур ва икки бўлса әл бузулур, бурунги ўтган билигилар айтиб туурлар ким бир қинға шеки қилич симас ва бир хотуни икки эр олиб ўлтура билмас ва бир юртга икки турасимас, бир ушуг шатави аҳднома битиб Кумхон бешликнилари ва ўгушлари ва беклари ва эланнинг қарашмарини яхшилари ва йигитларини яхшилари барчалари хатда отларин битиб ант (38-бет) ичтилар ким то тирикмиз ушбу айтилған сўзлардин қайтмасбия, агар биздин бўлған ўғлонлар ҳалолзода бўлсалар то дунё охир бўлғунча бу аҳдномани ўқуб амал қилғайлар, агар ҳаромзода бўлуб, юртни бузали тесалар амал қилмагайлар тедиилар

тақи отларин битиб, муҳрларин босиб, аҳдномани Кунхоннинг хазинасинда қўйдилар. Ўғузхон ўлганда Купхон етмиш ёпар эрди ва тақи етмиш йил отаси еринда ўлтуруб дод ва адл бирлан хонлиқ қилди ва тақи андин сўнг подшоҳлиқ қилди ҳақ раҳматига кетди.

## КУНХОННИНГ УЛУҒ ҮҒЛИ ҚАЙИНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кунхон ўлгандин сўнг барча Ўғузхоннинг набиралари ва эл яхшилари йиғилиб Қайини хон кўтардилар, ул тақи отаси тег элга адолат қилиб йигирма уч йил подшоҳлиқ қилди ҳақ раҳматига кетди.

## ДЕББАҚУЙНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Қайихоннинг ўғлонлари кўп эрди, бир ўғлина улуғ оталари Деббақуйнинг отин қуюб эрди, улуғ, кичик барча иттифоқ бирлан Деббақуйни хон кўтардилар, кунларда бир кун Деббақуйхон халқдин сўрадиким бу вақтда Ўғузхонни кўрган кишидик киши борму теб, айтдилар: бир киши қолиб туур, салур элиндин Улаш отли тедилар, хон киши йибарди, Улашни келтуруб Ўғузхоннинг юртда турғанда на иш қила турғанин ва дўстларга нечук мурувват қилиб душманларга не жавр мадора қила турғанин бир-бир сурди. Улаш ҳам билганларини айтди, андин сўнг Улашга кўп инъомлар бериб эвига йиборди. (39-бет) ва тақи Деббақуйхоннинг улуғ беклари Ёзир элиндин, алан ва арлан, Дункар элиндин Чекас ва Бошибек ва Бигубек (Байгубек) ва баёндур элиндин Қабул хўжа эрдилар, Хон бир кун ов овлаб юрий турғанда атдин йиқилиб, ёнбоп сўнгаки синди тақи андин ўлди. Қўзиёви отли ўғли бор эрди, ани подшоҳ кўтарди, ўттуз йил подшоҳлиқ қилиб ул дунёга кетди, аммо ул Қўзиёви хон бўлганда ани кенгаш беклари аймир элиндин Қўрунчак эрди, салур элиндин Табақ эрди ва тақи салурдин Энкашнинг ўғли ўткан ва аниг ўғли Қулсари уч орқа вазир бўлдилар, юз йигирми йил хонлиқ қилди ва тақи ўлди.

## ЎҒУЗ ЭЛИНИНГ ЮРТЛАРИ ВА АНДА НЕЧА ЙИЛ ВА НЕ РАВИШ БИРЛАН ЎТИРҒАНЛАРИ ВА ТУРКМАН ТЕБ НЕЧУК ОТ ҚЎЮЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўғузхондин то Қўзиёви хонғача нечукки айттуқ, шундақ туур, эмди Иналхонни айтurmиз, Тангрим буюрса Иналхоннинг замониндин то биз бу китобни айтган чақача бир-бир айтurmиз, туур, барчаси рост туур,

жеч ғалати йўқ турур аммо Қўзиёвихон бирлан Иналхоннинг орасинда неча йил ўтганини жазм эта билмаймиз, андак ҳам бўлса оз айтали, шояд айтсак, ёлғон бўлгай, тўрт минг йил бор турур андин (40-бет) била турурмиз, ким Ўгузхон Каюмарс замонинда әрди, Иналхоннинг вазир вакили қайи халқиндин Қўрқут ота әрди, ул бизнинг пайғамбаримизнинг оналарининг иниси Аббос авлодининг ўғлонлари Бағдод шаҳринда беш юз йил подшоҳлиқ қилдилар, Қўрқут анларнинг замонинда әрди, Каюмарс бирлан ўғлонларининг ораси беш минг йил турур, Қўзиёвихон Ўгузхоннинг бешланчи ўғли турур, бас ўзингиз ҳисоб қилинг, Қўзиёвихон бирлан Қўрқут отанинг<sup>1</sup>

хони Иналхоннинг ораси

нече йил бўлур, әмди биз бу айтилған тўрт минг йилда бир-бир ва от-бот кимнинг бўлганин ва кимнинг бўлмагани билмай турурмиз, мунча-мунча билмасак ҳам бошдин оёқғача сувратини билатурурмиз, ани айталинг, Ўгуз элининг юртларининг кун туғуши Иссиқ қўй ва Олмалиқ ва қибласи Сайрам ва Қазғурт тоги ва Қорақиқ тоги ва темур қазуғи улуғ төғ ва кичик төғки миснинг копи бўлур ва кун ботиши Сир сувининг аёғи Янгикент ва Қорақурум, ушбу айтилған ерларнинг ичинда, ўрида тўрт минг ва беш минг йил ўлтурдилар тақи қайси уруғи кўп бўлса, андин подшоҳ кўтардилар, мундақ қайдидин бир кишини подшоҳ кўтарурлар әрди, қайи уруғи ва баёт уруғи ва тақи беш, олти оз уруғлар анга қўшилурлар әрда ва тақи салурдия бир кишини подшоҳ кўтарурлар әрди, салур уруғи ва (41-бет) аймир уруғи ва тақи бир неча оз уруғлар анга қўшилурлар әрди мундин қиёс қилинг, кўп уруғдин подшоҳ кўтариб, оз уруғлар анта қўшулиб гоҳ олти, етти тўп бўлурлар әрди, гоҳ уч, тўрт тўп бўлурлар әрди ва тақи бири бири бирлан ёғи бўлуб, чопушурлар әрди, асир қилурлар әрди, ўзлариндин ортқаш аспирларни Мавроунаҳр бозорганларина сотарлар әрди, ул вақтда Ироқ ва Хуросан ва Мавроунаҳрнинг подшоҳлари ва споҳийлари ва раъиятлари, барчалари тот әрди, тотдин ўзга киши йўқ әрди, султон Маҳмуд Фазнавийнинг отаси Себук Тегин қайи халқиндин әрди, ўзини туркманлар асир қилиб, савдогарга сотдилар ав тақи бачна (бажна) уруғи ҳам ўзиндан тура кўтариб солур эли бирлан ёғи бўлуб чопишурлар әрли, беш олти орқагача бу икки элиниг орасинда душманлик бор әрди, бачна эли салур элини ғолиб келур әрди, анинг учун салур эли бачна

<sup>1</sup>Асл-иусхада йўқ.

халқини ит бачпа дерлар, әлиниң Тўймадуқ отли бир подшоҳи бор эрди, ул күшун бирлан келиб, салур әлини чалиб, Салур Қазан алпининг онаси Чачақлини ўлжалаб кетди, уч йилдан сўнг кадхудоси Анкаш кўп мол бирлан йибариб Чачақлини қайта олди. Бу сўзлардин арз ул ким чапқанларни (42-бет) юртларинда ўлтуруб, чапилган әлниң ёвдин қуртилғанлари Мавороунаҳрга қочиб, борурлар эрди ва шундоқ қилиб, бора-бора туркманнинг кўпи вилоятга тушди, ози қолди, ул вақтда туркмандин нари тарафинда ўлтурған әллар кўп эрди, аниң қайси бирини айтайин, барча әллардин туркманта яқинрақ ўлтурған хитой ва қаниқли ва найман әрдилар, ул әллар туркманнинг қолганин чопа бошладилар Иссиккўл ва Олмалиқ ва Сайрам ва улуғ ва кичик тоғлар бу юртларнинг барчасин ташлаб, Сир сувининг аёқина келиб, подшоҳларини Янгикентда ўлтуруб ўзлари Сирнинг икки тарафини ёйлаб ва қишилаб ўн орқалари ўтгуича ўлтурдилар ва Мавороунаҳрга тушган туркманларини тоҷиклар ул турк дерлар эрди, беш, олти орқа ўтгандин сўнг ерга, сувға тортди тақи чеккалари қисиқ ва кўзлари улуғ ва юзлари кичик ва бурунлари улуғ бўла бошлади, туркман ютига келиб ўлтурған әллардин асир ва савдоғарлар Мавораунаҳрга кела бошлиди, алларни кўрдилар тақи тоҷиклар турк тедилар, бурунги туркларга туркмонанд теб от қўйдалр, аниң маъниси туркка ўхшаш темак бўлур қора халқ туркмонанд теб айта билмади, тақи туркман тедилар.

## ИНАЛЁВИННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ҳайи ёора хўжанинг ўғли Қўрқут ота салур Анкаш хўжса ва Авашбаникўжа беншиқ барча Ўгуз әли йигилиб, ҳайи қалъиндин Иналёвина, нодиоҳ кўтардилар, вазири Қўрқут ота эрди, Қўрқут ота ҳар нимарса теса Иналёви аномиг сўзандин тицмас эрди. Қўрқут отанинг кароматлари кўни (43-бет) эрди иккимиз тўхсан беш йил умр топди, уч шодиоҳга вазир бўлди, Иналёви этти ёни нодиоҳлик қилиди, иккиги ўзли бор эрди, улуғ ўғлининг оти Ал (Али), киччашининг оти Дуйли ҳайи; Иналёвихон ғулар бўлғандан Дуйли ҳайи ўрманда ўлгуртуб кетди, Дуйли ҳайи ҳам Қўрқут отанинг сўзини амал қўнтур эрди ва таъи Қўрқутдин бошқа иккимизниң беги бор эрди, бирни баёндуру әлмиандин Бўкдуз отли ва таъи бир индирдин Душка отли, Дуйли ҳайи кўни ўмиллар подибоҳлини қилиди ўғли ўтиқ эрди, ошини ошаб ва ёшини шаб умр топиб вафот топди.

## ДУИЛИ ҚАЙИННИГ ИИСИ ЭРКИНИНГ ПОДШОХ БҮЛҒАНЫ ВА ҮГЛИ ТУМАННИНГ ДУНЕФА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Дуйли қайининг бир яқын қариндоши бор әрди. Эрки отли, ул аза әгаси бүлуб ўлтурди, барча Үғуз әли азага йиғлаб келдилар Қўрқут ота бошлиқ барча беклар сўрдилар хоннинг кўчларининг ҳеч бўйларинда борму теб, бир доя хотун келиб айтди: хоннинг бир ҳарами ҳомила туур, умидимиз бор, тез бўлғай теб айтди, бир неча кундин сўнг хоннинг ўлук ошини бериб ултуруб эрдилар, хоннинг үғли бўлди теб севинчи (44-бет) тиладилар Эрки бошлиқ барча беклар севинчи бердилар. Эрки халқга совун (сўқум) солди, ҳар ким ҳимматига лойиқ савун келтурдилар, тўрт юз йилки ва тўрт минг қўй ўлтурдилар, булгаридин уч ҳовуз тиктурди, бирисини арақ бирлан ва бирисини қимиз бирлан ва бирисини қатиқ бирлан тўлтуртди. бир ой кеча-кундуз тўйда барчаси яхши ва ёмон айш ва ишратга машғул бўлуб, қарилар ёшин унутди ва ёрлилар (фақирлар) молсизлициин унутди ва бойлар ўлумин унутдилар. Үғуз әли Қўрқутга айтдилар бу ўғлонга бир яхши от қўйғил тедилар, Қўрқут ота мунинг оти Туманхон бўлсун теди, халқ айтдилар: мундин яхшироқ от қўйғил дедилар, Қўрқут ота айтди: мундин яхши от бўлмас теди, ул куни Дуйли қайихон ўлди әрса, бизнинг юртимизни туман тутуб қорангў бўлди, бу ўғул тумандა туғди, анинг учун Туман от қўйду ва иккинчи кўнглумдин яхши ирим ва ният қилиб, анинг учун Туман от қўюб турурмен ким туман узоқ турмас, тез кета турған нимарса бўлур, туманли куофтоб бўлур, туманинг сўнгги ёргу бўлмай бўлмас, озғина турған туманин бу ўғлоннинг ёшлиқина ўҳшатибмен, сўнги офтобни, бу ўғлоннинг йигит бўлуб отаси тахтинда ўлтуруб давлатли ва узоқ умрли бўлганини ўҳшатибмен теди. Барча халқ буни эшитиб, Қўрқутга оғарин деб хупҳол бўлуб Туманга кўн дуолар қилдилар ва тақи Қўрқут бошлиқ барча халқ Эркига айтдилари бир ой тўй қилдинг ошиниг тамом бўлмади ва ҳовузларга салғап қимиз ва айронинг (45-бет) гулнинг сувиндинг қўп бўлди, әмди бу кундин сўнг сени Гуләрки хон тегали, Туман ўзунгнинг ўғлинг туур, оғанг Дуйхи қавининг ўрининда ўлтуруб хонлиқ қил ва ҳар қачон Туман йигит бўлса, анга не берурунгни ўзунг яхши билурсеп тедилар, тақи Гуләркини хон қилдилар, халқ бирлан яхши маълони қилиб ўлтурдилар. Туман йигит бўлди. Дуйли қайихон-

ниңг бойири кишилари Туманға сүз бердилар, подшохлиқ отанғып сенға мерос қолған турур, барча халқ итти-Фөқ бирлан Гуләркига орыят тощируб әрдилар, бу шарғ бирлан ким ҳар қачон сен болға бўлсанг, санға топшурғай теб, Туман бу сўзни Гуләркига бир кишидин айттурди: Гуләрки бу сўзни эшитгандин сўнг хилватда Қўрқутға айтди: тақи аниңг маслаҳати бирлан элини яхши ларипи чарлаб, улуғ тўй қилди, Қўрқутини эвнинг тўринда ўлтуртуб, Гуләркихон юкунуб, қимизли аёқни сунди, Қўрқут қимиз ичib, барча халқ опи ғандин сўнг Гуләрки айтди: эй, эл ва халқ барчангиз билурсизлар, подшохлиқ, Туманнинг ҳақи эрканин, бу вақтгача Туман ёш әрди, аниңг учун мен ишни қила турур әрдим, эмди Туман улуғ йигит бўлди, отасининг тахтини тошира туурмен, теди, барча халқ Қўрқутға айтдилар хоннинг ва барча Ўғуз элиниг иҳтиёри сенинг қўлунгда турур, не ишни муносиб кўрсанг, ани қилғил, тедилар, Қўрқут бу сўзни эшитгандин сўнг киши йибариб, Туманни келтуруб, эвнинг ўртасинда ўлтуртуб, айтди: отанг ўлди, сен ёш қолдинг, Гуләрки ҳам отанг турур ва ҳам (46-бет) ақанг, сени дунёға келгандин то бу чақгача кўп әмгаклар бирлан яхши асраб турур, тожу тахт ва эл барча юрт сенинки турур сендин ўтунумиз бу турур ким бир бир неча кун сабр қилғил, ақангнинг бир-бир кейиндин нарилиқи ёвуқ бўлуб турур теди эрса, Туман айтди, барча Ўғуз элиниг яхшиси отамнинг вазири ва менинг бобом туурсен, сўзингизпи қабул қилдим, теди, Гуләркининг бир қизи бор әрди, бисёр кўркли ота-опасининг барча ишларина әркли. Қўрқут Гуләрки бирлан Туманга сўзлашиб, етти кечакундуз тўй қилиб, подшохларга лойиқ асбоб ва<sup>1</sup> тузуқ бирлан қизни Туманға топшурдилар, ул вақтда авшар элиниг хони бор әрди. Ойна отли бу қизни ўғлиға айттуруб әрди, Гуләрки қабул қилиб, бермак бўлуб әрди, Ойнахон қизни Туманға берганин эшитгандин сўнг черик тортиб, Гуләркининг устига юрди, Гуләрки ҳам улуғ черик бирлан қарши бориб, урушиб Ойнани бости, Ойнанинг ўғлини ўлтурди ва авшарнинг лашқарин қирди, Ойнани қавуб юртипа борди, юртини олиб, олти ой анда ўлтурди, (47-бет) қочиб ўзга элга борди, Гуләрки онт ичib, Ойнаға киши йибариб, айтди ким бу ёмонлиқни қилған сен әмас әрдиг, ўғлунг әрди эрса жазосин топди, эмди сенинг бирлан қариндош туурмиз, кел тақи юртунгга эга бўл, мен қайтатурмен теди. Элчи бориб бу сўзларнинг барчасини

<sup>1</sup> Асл нусхада ўчиб кетган.

айтди, Ойна инониб келиб Гүләркини күрди, Гуләрия тақи юртини тошшурууб қайтиб ўз юртиға туңди.

## ТУМАННИНГ ЎЕЛИ БҮЛГАНИ ВА АНГА ЕВЛИ ОТ ҚҮЙҒАЙЛАРИ ВА ЙИГИТ ЕТИШГАНИДАН СҮНГ ҚОНЛИ ЕВЛИ ОТ ҚҮЙҒАЙЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Туманнинг Гуләрки қизиндин ўели бўлди, отини Евли қўйдилар туғшили ва алн бўлди ва йигит етилди, бир кун сувнинг ёқасинда йигитлар бирлан ўйнай турур эрди, бир йигит бирлаш урушди, ани урайин теб нимарса излади, яқинда бир тўп қазғандин ўзга нимарса тоғмади, анинг учиндин тутуб тубиндин чиқариб ул йигитнинг бўйниға урди эрса, бўйни узилди тақи ўлди, Гуләрки хон, Туман ва Қўрқут барча беклар ўлтурууб эрдилар Ёвлиниг бу қилған ишин айтдилар, эрса улуғ ва кичик ва яхши ва ёмон ва кўргап ва эшитган тоғфабад хайрон қолди, Туман айтди: бу ўғлоннинг отини бу вақтгача (48-бст) Ёвли дейтуур эрдуқ, эмди Қонли Ёвли темак қарак теди эрса, андин сўнг анга барча халқ Қонли Ёвли тедилар. Кунлардан бир кун Гуләркихон ўргада ўлтурууб эрди Туман тақи анда ҳозир эрди, Қонли Ёвли әшикдин кириб келди ва ўрта ерда ўлтурди тақи Гуләркига боқиб айтди эй, бобо бу ўлтурған тахтинг улур отам Дуйли қайининг турур бу вақтгача отам Тумани ёш турур теб, бермадинг, эмди не учун бермай туурсен теди. Гуләркихон бошини қўйи солиб кўп ўлтурди тақи бир фурсатдин сўнг бошин кўтариб айтди: бу сўзни мен сендин бурунрақ айттур теб умид қилур эрдим ва хосса улкун ким тикан бирлан кишининг бўйини уздунг, рост айтатурсен, хўб бўлур, яхши бўлур, эмди отангта тоғшурмак керак.

## ТУМАННИНГ ХОН БҮЛГАНИН ЗИКРИ

Гуләрки бу сўзларни набирасидан эшитгапдин сўнг Қўрқут бошлиқ барча Ўғуз элина киши йибариб келтурууб, улуг тўй қилиб, Тумани хон кўтариб тахтида ўлтуртуб, Гуләрки аёқ устунда туруб, Туманхонга айтди: отанг ўлуб, мен бу тахтда ўлтуруб, элиси сўрайтурғали ўттуз беш йил турур, сепдип умидим ул турур ким мен нечук элнинг яхши ва ёмонни сўруб, йўл бирлан подшоҳлик қилиб юриган бўлсам, сеп ҳам ўшул йўл

бирлаш юригайсан теди' Туман айтди: яхши айта туурсиз, агар менинг давлатим бўлса, сизнинг бу насиҳатларингизни қабул қиласайман, теди, юрт сўзлари тамом бўлғандин сўнг Гуләркихон Қонли Ёвлининг юзига боқиб айтди: эй қизим ўғли қизидин бўлғаннинг дўстлиқи бўлмас теб эшитиб эрдим, бурунки ўтганларнинг сўзларини ёлғон қилмадинг теди. Туманхон тўрт ой хонлиқ қилғандин сўнг Қўрқут бошлиқ барча халқ Туманга айтдилар Тангрига шукр қилғил, Қонли Ёвлидай яхши ўғлунг бор, муносиб ўл туур ким подшоҳлиқни анга бериб ўзунг айшу ишратга машғул бўлгайсан, тедилар эрса, Туманхон қабул қилди, тақи подшоҳлиқни ўғлига бериб, тинч кўнгул Тангрининг бандалигин қилиб ўлтурди.

## ҚОНЛИ ЁВЛИНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул ажойиб баҳодир ва мерган ва алп эрди, тўрт тарафинда юртларнинг барчасин ёвлаб олиб ўзига бақтурди, анинг замонинда бўри қўйга ва барс кийикка ва бургут қўёнга ва қарчиғай какликка зўр қила билмади, элларни тузуб ва ёgilарни бузуб ва ўз замониндақи подшоҳлардин ўзуб, тўҳсан йил подшоҳлик қилиб вафот топди.

## МУРЁВИНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Қонли Ёвлининг икки ўғли бор эрди, улуғининг оти Мурёви ва кичикнинг оти Қора Алп Арслон, ўлар бўлғанида юртини икки бўлди, Туркистон ва Янгикентни Мурёвига берди, Толаш бирлан Сайрамни. Қора Алп Арслонга берди, бир неча йил ўтгандин сўнг Қора Алп Арслон ақаси Мурёви бирлан ёғи бўлди, ол яхшилари орада юруб қўп насиҳатлар қилиб, яратштурали тедилар, Қора Алп Арслон рози бўлмади, ахир иккиси лашкар тортуб, Сайрам устинда урушдилар. Мурёви голиб келди, Қора Алп Арслон урушда ўлди, барча элларини чопиб, бир йил анда (50-бет) туруб, қайтиб эвига тушди. Қора Алп Арслоннинг бир кичик ўғли бор эрди, ани ва кўчларини Мурёви олиб келди ва мундин бир неча йиллар ўтди, бир кун Мурёви ўлтуруб эрди. Қора Алп Арслоннинг ўғли келди, анинг юзига боқиб юзига айтди: агар отанг нодонлиқ қилиб, менинг бирлан ёғи бўлмаса эрди, мундақ етим бўлуб сарғариб юрмас эрдинг, дариғо на қилайин теб кўп йиглади тақи айтди: сенинг отинг Алп Туғач бўлсун теди, отасиндин қолған яхши кишиларни келтуруб Алп Туғачни анқа топшуруб, отасининг юртини

бериб күчуруб йибарди, халқын қуқм қилип. Қора Али Араблонининг элиидип ўлжас қилиб келгурган шиншилларни шайтира йибарсун теб, Али Тугач бориб отасининг юртинда ўлжтурди, тўрт ёқца кетганинг барчаси анига йирилди. Мурёвихон етмиш беш йил подшоҳлик қилиб, ул дунйги котди,

## МУРЁВИ ЎҒЛИ ҚОРАНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Мурёвиининг хотунларидин ўғли йўқ эрди, Ўрнахон тегинининг элид чопиб олганда бир заифани ўлжас қилиб бир неча кун бақиб йибарди, ул заифа юртига барғандин сўнг Мурёвихондин ҳомила бўлуб турурмен теди, бир неча ойдин<sup>1</sup> ўгул туғурди, отини Қора қўйдилар, тагайларининг ичинда ўсади, йигит бўлғандин сўнг қочиб Мурёвихон қатига келди, Мурёвихон ҳам ани ўгул қилди, Мурёви ўлғандин сўнг барча халқ йиғилиб, ани хон кўтардилар, эл бирлан яхши маош қилиб, қирқ йил ховлиқ қилиб вафот тонди. (51-бет).

## БУГРАНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Қорахоннинг Бугра отли ўғли бор эрди, барча халқ Қорахон ўлғандин сўнг Буграни подшоҳ кўтардилар, Буғрахон барча ўтган оталаридин ортуқ бўлди, улуғлашкар бирлан келиб Бухоро ва Самарқандни олиб, ўз қариндошлари юртинда ёғи бўлған сабабдин тура билмай қайтиб кетди, андин сўнг келиб Хоразм мамлакатини олиб кўп йиллар анда подшоҳлик қилди, бир каррат орқа тарафиға лашкар тортиб бора турғанди бир кун хон айтди: кўнглишимиз буғдой униндин бўлған ошни тилай турур, угра ва ўзга ош қилғали бавурчи ва ошнинг асбоби топилмади, хон ун келтуртди ва хамир қилдурди ва ўзи қўли бирлан ёзиб қозонға солди, ўлтурған навкарлари ҳам конта ёрулиқ қилдилар, шишириб ичди тақи айтди: бу ошнинг оти Бугра хоний бўлсун теди. Бу кун халқ ичинда бугра теб пишира турурлар, ул ош турур. Хоннинг ўғли бор эрди, улугнинг оти Эл тегин ва иккинчисининг оти Қўзи Тегин ва учунчисининг оти Бег Тегин, Тегин маъниси, қадим турк тили бирлан яхши сувратли темак бўлур. Ҳон қари бўлғанидин сўнг по-

<sup>1</sup>Аса вусхада учиб кетган.

дшоҳлиқни Қўзи Тегинга берди тақи ўзи тиич ўлтурди. Бобир отли хотуни бор эрди, бисёр оқила ва зоҳида ва обида ва солиҳа ва кафия эрди, ўғлининг онаси эрди, ул вафот топди эрса, Буғроҳон улуг аза тутди, бир йилкача киши бирлан сўзлашмади ва эвдин чиқмади. Бир кун Қўзи Тегин отасига қачонгача аза тутуб ғамгин бўлуб (52-бет) ўлтурасиз, овға чиқинг, шояд кўнглингиз очилғай тёб, отасини ҳар бир кун бир тарафга овға ва сайдга олиб чиқди бир неча кундин сўнг эмди хоннинг кўнглина ҳаво ва ҳавас пайдо бўлди, булғай теган вақтда айтди, беклар айта туурлар хонга муносиб ул туур ким

кадхудо бўлғайлар, хон айтди: андақ хотун не ердин тошлиурки келиб онангинг ўрнин тутғай теди, Қўзи Тегин онам тег бўлмаса андин йиграк бўлсун теди, хон ҳарчанд кадхудо бўлман теди, аммо Қўзи Тегин ихтиёрина қўймади. Авшар элинда Эгранж теганинг кўркли яхши, юртда от кўтарган кўркли қизи бор эрди, ани хонға олиб берди, ул бадбаҳт қизнинг кўнглина бу маъқул бўлди ким Қўзи Тегиннинг манға майли бор, анинг учун мени отасига баҳона бирлан олиб бературур, то ўзи менинг бирлан пинҳоний айш қилғай, йўқ эрса, қари кишига менинг тег соҳибжамол қизни олиб берур эрди тёб, бир кун Қўзи Тегин отасин кўрайин теб келди эрса, хон ухлаб ётиб ва хотун ўлтуруб эрди, Қўзи Тегиннинг қатига келиб юзин ва кўзин силаб сийгаб эрди, эри билан ўйнағандা хотунлар нетак қилурлар, шундақ қила бошлади. Қўзи Тегин кўнглиндин бу онам ўрнига бўлуб, манға меҳрибонлиқ қила турған туур (53-бет) теди яна бир неча кундин сўнг хилватга топиб Қўзи Тегинга айтди: ҳеч менинг ҳолимдин хабаринг борму мен санға ошиқ туурмен, кечалар уйқум ва кундузлар қарорим йўқ: менинг ҳолимға қарамас бўлсанг не учун мени қари кишига олиб бердинг, теди. Қўзи Тегин айтди: сен менинг онам туурсен, агар бу кундин сўнг бу қилиғингни қўймасанг сени пора-пора қилиб ҳар мучангни бир ерда қўярмен теди, хотун воқиатни ўзининг қаринтош хотунларига айтиб кенгашти эрса, онлар айтдилар, Қўзи Тегин бу сўзни хонға, халқға айтмасдин бурун айтмақ керак, йўқ эрса ўлумға кетарсен теб барчаси итифоқ бирлан бир хотунни йибардилар, чл хотуг бориб Қўзи Тегиннинг эвиидин ўтукни ўғурлаб келиб Буғраҳоннинг әвига келиб тақи қайтиб бориб ўтукни еринда қўюб келди, ул хон әвда йўқ эрди, овға бориб эрди, тун яримдин сўнг сизғина қор ёғиб эрди, саҳар вақтинда хотун қичқира бошлади, тонг отқандип сўнг хали эшитдилар ким ўргадин йижмаган хотушнинг овози чиқа туур, эр

ва хотун барча йиғилиб ўрганинг эникина бордилар эрса, кўрдилар ким хоним юзин йиргиб, барча ерини қон қилиб айта туур қим бу кечада саҳар вақтинга ухлаб ётиб эрдим, бир киши келиб қўйнимга кирди, кўрдум эрса, Қўзи Тегинхон айтди қичқирма, мен туурмени, санға ошиқ бўлуб, отамға олиб бердим, аниңг учун ким кундуз отамнинг бўлсанг кечада мешики бўлғайсан теб, йўқ эрса, отам хотунни не қилур эрди теди, қичқира бердим (54-бет), онасиға мундақ иш не ерда бор теб, мендин бу сўзни эшитгандин сўнг қочиб чиқиб кетди, ёнида ётқан хотунлар бу сўзга гувоҳлик бердилар ва тақи хоним айтди: мундин яхшироқ гувоҳ бўлмас, ер қор туур изини кўрунг теди, изни кўрдилар; Қўзи Тегиннинг эвиндия чиқиб, ўргага келиб тақи қайтиб Қўзи Тегиннинг эвига бориб туур, Қўзи Тегин изнинг қатига келиб аёғин қўйди, иккиси бир тег бўлди, Буғрахон овдин келди, анга ҳам айтдилар, хон бошлиқ барчаси беклар Қўзи Тегинни чақириб айтдилар, бу не туур қим кечада сен қилибсан, Қўзи Тегин ул хотундин кўрганини ва эшитганин айтди тақи теди мен ўёлғанимдин айта билмадим, иккинчи ул ким заифапи отамға мен олиб бериб эрдим, ҳалқ ичинда расво бўлмасун тедим, ул мендин бурун қарбанди (айтиб туур) теди, ҳалқ икки бўлак бўлдилар, ярими хотуп сўзиға инондила, ярими Қўзи Тегин сўзиға инондила, ахир барчалари иттифоқ қилиб, хопим ёнида ётқан хотунларни хов олдига келтуруб сўрдилар, айтмадилар, сиёсат қилур бўлдилар эрса, аввалдип то охиригача қилған кенгашларина авшарнинг хотунларининг айтған сўзларини ва ўтукни ўғурлаганини бир-бир айтдилар эрса, Буғрахон Қўзи Тегинга айтди бу хотунни унамай эрдим, шундақ бир фитна бўлур теб, сен мени ихтиёримга қўймадинг. Эмди муни не қилурингни сен яхши билурсен теди эрса, Қўзи Тегин буюорди беш эмлак (қисрақли) байтални келтуруб икки аёғин ва икки (55-бет) қўлини ва бўйнин ҳар қайсисин бир байталнинг қуйруғига боғлаб, байталларнинг бутларина тиззанинг учи бирлан санчдилар, тўлай-тўлай хотунни беш пора қилиб, ҳар қайсиси бир андомни ўз ўгурина олиб кетди. Буғрахон кўп йиллар подшоҳлик қилиди ва тўхсан яшаб ўлди.

## БУҒРАХОННИНГ ЎГЛИ ҚЎЗИ ТЕГИННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Қўзи Тегин отаси таҳтинда ўлтуруб, душманларини ийғлатиб ва дўстларини кулдурууб, әлга адолат қилиб,

Фақир мискинга хайр ва эҳсон қилиб қириқ йил хон бўлуб, етмини беш ёнига етганда ўғли Арслонни ўрвинда ўлтуртуб вафот топди.

## ҚУЗИ ТЕГИН ЎҒЛИ АРСЛОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Арслон отаси тахтида ўлтуруб улуғ хон бўлди, кўп йиллардин сўнг Сўражиқ эли ёғи бўлди, Арслон бориб Сўражиқ әлини чопиб, қолғанини ўзина бақиндурууб келди. Анда бир ёш ўғлонни ўлжалаб келтурууб отини Сувар қўюб, қўлинда ўстурди, ул ақлли ва тугшали ва мерган ва чечан, ҳунарли, ҳар мақомга ва ҳар йўлға юрумакни билатурған ва хонға инақ бўлди. Барча эшик ҳалқи (яқинлари) кўра билмасликиндин муунунг бирлан ёман бўлдилар, Суварнинг айбини хонға нечук айтурларини била-бilmай юруб эрдилар, бир кун маъракада хон Суварнинг қулоқина сўз айта туур әрди, сақоли хоннинг юзига тегди, Сувар кетгандин сўнг хон бекларига боқиб айтди Сувар эсеруни ўпуб бўлуб туур теди, беклар айтдилар: биз муунунг қила турған ишларини хилватда арз қиласи теб, хилват бўлғанда айтдилар: фалон вақтда, фалон молингтозға мундағ хиёнат қилди ва фалон сирингизни ҳалқға фош (56-бет) қилди ва ёғидин олиб келиб әрдингиз аслига торта туур, биз анинг қилған ёмонликларининг қайси бирин айтали, барча ишлариндин ёманрақ бу ким сизнинг кўчингиз бирлан бирикиб юрий туур тедилар, Арслонхон айтди, Суварни Янгикиндга хизматга йибардим, келгандин сўнг сизларга топиштурайин, нечук ўлтуруингизни сизлар яхши билурсизлар, теди тақи айтди фалон ерда кийик кўп эрмиш ўзум борайин теб әрдим, туна кундин бери барча ерим оғрий туур, сизлар ҳалқға бош бўлуб бориб, ўтав суқунгиз фақир ва мискин қиши азуқи олсунлар, беклар холқни олиб, овға кетдилар, хон хотуии бирлан кенгашшиб хаста бўлди. Бир неча кундин сўнг ҳароб бўлди әрса, әвда қалған беклар овға кетган бекларга ва Суварға киши йибардилар, хоннинг ҳоли ёман бўлди, етиша кўрсунлар, теб, беклар овдин келур куни хон ўлди, келдилар әрса, курдилар хон ўлуб туур, барча беклар кенгаштилар, тақи хоннинг ўлук ва тирик бўлған молининг барчасипи олдилар, ул вақтда Сувар ҳам келди, Суварға айтдилар: хоннинг ўлукини қачон чиқарурини, пе ерда қўярини ва азанинг барча таклифини хоним бирлан сеп билурсен, сен қилгил, апинг учуп тирикликинда ҳам сиз иккингиз барча ишни қилатурған, ўлганда ҳам сизлар қилинг те-

дилар, тақи ўлик устина келмадилар, ташлаб кетдилар. Сувар хон аёкининг учинда сақолини кесиб, бир тошни олиб бошига ва қўксига уруб, барча ерини цора-пора қилиб айтиб йифлай турур эрди, ўлганингда бўлмадим бир аёқ сув бера билмадим ва хизматингга ярамадим, эмди сени бир ерда қўймақ учун турубмен, андин сўнг сенсиз бу дунёда юрумак манға ҳаром турур ўзумни ўзум (57-бет) ўлтурумей тақи сенинг аёқ учингда ётурмен теб, йифлаб ўлтуруб эрди, хон ериндин қўпа келди тақи Суварни қучоқлаб юзиндин упди тақи айтди: сенинг ва сендин гийбат қиласурган бекларнинг ҳақиқатин билмак учун ўзимни ўлук қилиб эрдим теди, хоннинг тирилганин әшитиб, барча халқ келдилар, хоннинг молларин олиб ўлукка қарамай ташлаб кетган бекларни тутуб, қўзларин кўр қилиб ва қўлларин кестурди. Арслонхон етмиш йил подшоҳлиқ қилиб вафот топди.

### **БУФРАХОННИНГ УЛУҒ ЎГЛИ ЭЛ ТЕГИН ВА АНИНГ ЎГЛИ УСМОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ**

Арслонхоннинг ўғли кичик эрди, улуғ уммининг ўғли бор эрди, Усмон отли ани хон қилдилар, ўн беш йил подшоҳлик қилиб вафот топди.

### **ЭЛ ТЕГИН ЎГЛИ ЭСЛИНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ**

Усмоннинг бир иниси бор эрди, Эсли, ани хон қилдилар. Ул тақи уч йил хон бўлуб, отаси кейининдин кетди.

### **ЭСЛИ ЎГЛИ ШАБАННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ**

Эслининг Шабан отли ўғли бор эрди, ани хон қилдилар, ул тақи оталари юрган йўлдин юруб, яхшига яхши ва ёманга ёман бўлуб, йигирми йил отаси таҳтинда ўлтуруб улуғ оталарининг кўчининг ерина тушуб кўчуб кетди.

### **ШАБАН ЎГЛИ БЎРАННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ**

Шабаннинг ўғли бор эрди, Бўран отли, ани хон қилдилар. Бўран тақи эл бирлан яхши сулук қилиб, Ўгуз

элининг расмларин ва қоидаларин бир тараф қилмай, ўн саккиз йил подшохлиқ қилиб вафот топди.

## АЛИНИНГ ХОН БҮЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул вақтда Ўғуз эли Сир сувининг икки тарафинда аёқина яқин ўлтуруб әрдилар, (58-бет) мұғул келиб күп чопти, анға тоб келтура билмай күпраки күчуб кетди, Урганч бордилар, қолғаплари Али тегинни хон күттардилар ва Алиниң бир ёш ўғли бор әрди, Қилич Арслан отлиқ, анға Шоҳ Малик лақаб қўюб Буқдуз элиндин Қўзичи бек теган юз ёшар киши бор әрди, ул вақтда Ўғуз элипинг юрти Сир сувининг аёқи Урганч бирлан Сир сувининг ораси Аму дарёсининг икки тарафинда Урганч бирлан Марвнинг орасиндақи қумнинг ичи то Мурғаб сувининг аёқигача Алихон ўзи Янгикентда ўлтуруб шоҳ Маликни Қўзичига тошшуруб ўғлига Қўзичининг сўзиндин чиқма теди, Қўзичига айтди: шоҳ Маликни Ўғуз элининг ичина олиб бор, анда ўссун, бу халқга ва халқ мунга ўргансун, элнинг бир четинда мен ўлтуруб бир четинда ўгулум бирлан сен бўлғил теб узатди. Шоҳ Малик эл ичига келди, халқ ани подшоҳ кўттардилар, бир печа йиллар ўтгандин сўнг шоҳ Малик йигит етишиди, аммо золим бўлди, кишининг кўрмакка яхши қизи ва хотуни бўлса бақти, Қўзичи кўп насиҳатлар қилди қабул қилмади, эл шоҳ Маликка бедодгар теб от қўйдилар, бора-бора эл яхшиларининг қизлари ва хотунлариға вўр қила бошлади эрса, Ўғуз эли йиғилиб ўлтурур бўлдилар, ани эшитиб отаси қатиға қочти, Қўзичибек ҳам кейинниндиқ кетди тақи Алихон қатиға шоҳ Маликдин бурув (59-бет) борди тақи бўлған воқиатни бир-бир айтди, андип сўнг шоҳ Малик борди, Алихон Шоҳ Маликни тутуб қамчилатдилар тақи қўлини боғлаб қўйди, муни эптишиб Қўзичи келди тақи хонға муни бандлатиб па қиласай дей турурсен теди, хон айтди, Ўғуз элина йибараийин дей турурмен то уларнинг кўнгли мендин рози бўлсун. Қўзичи айтди: агар шоҳ Маликни йибарсанг ўлтурурлар тақи мағрут бўлуб сенинг бирлан ёғи бўлурлар ҳам ўғлунгдиз ва ҳам элицгдин айрулурсен теди Алихон айтди элнинг рўшини сен кўруб келибсен, яхши билурсен, ўзицинг ўхшарини айтқил теди, Қўзичи айтди: мәслахат ул турур ким мей илгари бориб әлга сенинг тилингдин узр айтайин Алихон ўғлини урди ва қўлини оёқин боғлабсен, халққа йибарди, не қилурин халқ яхши билур таб мен илгари көлдим, ани айтайин теб, ул менинг сўнгумдин тез келур тегайин, сен барча

лашкарларингни ўғлиигга бериб, менинг кейинимдин йи-  
баргил, мен анларни сўзга юнатиб турганда шоҳ Малик  
бориб яхшиларини тутуб ўлтурсун то ёмонлари ҳукига  
бўюн қўйғай теди, Алихон ҳам бу ишни ўхшатиб қилур  
бўлди.

## ЎҒУЗ ЭЛИНИНГ АЛИХОНГА ЁРИ БЎЛУБ ШОҲ МАЛИКНИ ЎЛТУРУБ ЭВ БОШИНА ҚОРАХОН БЎЛУБ ТЎРТ ТАРАФГА КЕТГАНИНИГ ЗИКРИ

Эмди шоҳ Малик қочиб кетгандин сўнг элнинг нө-  
қилганин айтали: ул вақтда Урганч ва Мургаб ва Та-  
жиканда ўлтурған элнинг улуғ begi Қайи элиндин Қир-  
қўт теган эрди. Эл ичинда бир жинли бор эрди. Мирон  
Коҳин дерлар эрди, Қирқўтбек ани чақириб айтди: Шоҳ  
Малик бирлан Қўзичибек биздин оғриб Алихон қатира  
қочиб кетти, эл бирлан хоннинг иши нечук бўлур эркан  
tedi, Мирон Коҳин бир соат сўзламай ўлтурди тақи  
айтди: тез Ўғуз элининг ичинда уруш бўлиб, қизил қон  
қора сувтег оқа турур. Алихон тез ўла турур, анинг ўр-  
нига бир киши подшоҳ бўла турур, теди, бу сўз тамом  
бўлди. Эмди ўзга сўзни айталинг. Бир киши бор эрди,  
Туғурмиш отли, отасининг оти Қеранча хўжа қайи элини-  
дин, эв ясай турған ёрли киши эрди, бу воқиатдин кўп  
йиллар бурун Туғурмиш бир кеча ётиб эрди, туш кўрар  
ким кўксиндин уч дарахт кўкариб баланд чиқди тақи  
бутақланди ва ёпроқланди, эрта туруб бориб бу тушни  
Мирон Коҳинга айтди, бу кўрган тушингни ҳеч кишига  
айтмағил, яхши туш турур, бу теди, Туғурмишнинг уч  
ўғли бор эрди, ҳар ўғлининг бошиндин Худой йўлина  
бир қўй ўлтуруб, нишиби ҳалқға берди, улуғ ўғлининг  
оти Тутат, ўртанчасининг оти Тўғрул ва кичисининг оти  
Арслон Қирқўт бекка қаринтош эрди, учуси тақи Мерган  
ва бўга эрди, Қирқўтбек Туғрулни ўнбеги қилиб, ани  
Тўғрул ўнбеги дерлар эрди. Эмди шоҳ Маликни айт-  
алинг. Қўзичибек Алихонга менинг кейинимдин юборгил  
теб, Янгикентдин кетиб, Урганчда ўлтурған элнинг  
ичига келди, ул вақтда ҳалқ Тўғрулнинг оғизига қарай  
турур эрдилар, Тўғрул Қўзичига айтди: сўанинг ростини  
айтгил, йўқ эрса, қариган чақингда эсинг кетиб, қин  
остинда ўларсен теди, қўрққаниндин ростини айтди,  
Қўзичини банд қилдилар, барча элға киши чоптурдилар,  
ўн олти минг киши йигилди, Шоҳ Маликнинг келатурган  
йўлина бориб, Қирқўтбек саккиз минг киши бирлан  
йўлнинг бир ёнинда турди тақи узоқ қаравул (қиравул)

солди, бир кун қаравул кела турур теб келдилар, отланыб, йўлнийг икки ёнин олиб турдилар, Шоҳ Маликниг лашкари йигирми минг киши эрди, ёрини (ярми) ўта берганда икки тарафдин от солдилар, улуғ уруш бўлди, Туғрул ғолиб келди. Шоҳ Маликни тутуб ўлтурдилар ва беклари ни ҳам ўлтурдилар, Алихон бу хабарни эшитғандин сўнг тез ўлди, Ўгуз эли бири бирлан ўчили ва қонли бўлдилар, эв бошина Қораҳон теган бўлди, бири бирини чопти ва бири бирини ўлтурди ва тақи Қилиқбек (Қутлуқбек) ва Қозонбек ва Қараманбек бош бўлуб, куп эл Мангқишлоқ кетдилар анларнинг ичинда ҳар элдин бор эрди, аммо кўпраки аймир ва дукар ва игдир ва чавулдур ва қарқин ва салур ва агар эди. Аличоқбекнинг ўғлонлари бош бўлиб, Ҳисор тогина кетдилар ва бир неча эллар: ўқли эли ва кўкли эли ва агар эли ва сultonли эли Абулхон тогина кетдилар, ёзир эли Хуросонга бориб, Дўрун атрафинда кўп йиллар ўлтурдилар, ул сабабдин Дўрунға Ёзир юрти дерлар, ёзир элининг бир иечаси Дўрун ёқинда тоғ ичинда дехқончилик (62-бет) қилиб ўлтуруб эрдилар, бу вақтда анларни қоратошли дейтуурлар ва тақи салур элиндин Динглибек бошлиқ ўн минг эвли Хуросонға бордилар тақи кўп йиллар анда ўлтурдилар. Тақи андин кўчуб Ирақ ва форс бордилар тақи анда батан тутуб қолдилар, қиниқ уруғиндин сulton Санжар мозининг отаси Сulton Малик шоҳ бориб Ироқ ва форсни олиб, Исфиҳонни пойтахт қилиб ўлтурған вақтда салур эли Динглибекнинг ўзининг ва ул барған жамоатнинг насллариндин бир неча кишилар келиб сultonға навкар бўлуб, арз қилдиларким, биз Ўгуз эли салур халқиндин туурмиз. Улуг оталаримиз Туркистондин келған туурлар теб, қаринтошлиқларини маълум қилдилар, ул салурдин бир неча Ироқдин қайтиб Мангқишлоқ келдилар, анларнинг нечук келғанларини Тангрим буюрса айтқум эрур, бурунқи ўтган халқ айтиб туурлар, Ўгуз эли кўчуб, чекиб юрумадук йўл борму, эвин тутуб ўлтурмадуқ, юрт борму?

## ТУҒУРМИШ ЎҒЛИ ТУҒРУЛНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгуз элининг Шоҳ Малик бузуқлиқиндин кетмай Сир Сувининг аёқинда ва Аму сувида (бўйида) ўлтуруб қолғанлари, Туғурмиш ўғли Туғрулни хон кўтардилар, ул йигирми йил подшоҳлиқ қилиб вафот топди ва андин сўнг Туғурмишнинг кичик ўғли Арслонни хон қилдилар ул тақи ўн йил подшоҳлиқ қилиб, кетганинг кейинин-

дии кетти эрса , аниңг ўғли Асилзодани хон қилдилар. Ул ҳам йиширми йил дунёлик шаробина асраб, юруб, эсрикликтин айрилди эрса, күзин очиб қўрдик улург оталининг қатинда ётиб туур, аниңг бир ўғли бор эрди, ул ўғлонга улург отасининг отиң қўюб эрди, Арслон теб, Арслонни хон қилдилар (63-бет). Ул тақи ўн йил отаси еринда ўлтуруб вафот топди. Андин сўнг икки ёш ўғлон қолди, аввалқининг оти Кўкам Бақуй, кичигининг оти Саранг Кўкам Бақуйни подшоҳ қилдилар, кўп кичик әрди, яхши ва ёмонни билмас эрди, ул замонда Ўғуз әлиниңг бир ёғиси бор эрди, Қора шит отли, ул Арслонхоннинг ўлганин ва андин ёш ўғлонлари қолғанин ва онлар подшоҳлиқ қила билмай Ўғуз әлиниңг оғзи ола бўлуб турғанин эшитиб отланди тақи келиб Арслонхоннинг ўрдасин ва бекларнинг әвларин чопти Кўкам Бақуйни от олдина олиб қочтилар, ул вақт Саранг бешикда әрди, ани ёғи ўлжа қилиб олиб кетди, андин сўнг кўп йиллар ўтди. Саранг йигит этишгандин сўнг ақаси Кўкам Бақуйга киши йибарди, мен қоча билмайман, ақам келиб мени олакурсун теб, муни эшитиб Кўкам Бақуй барча Ўғуз әлиниңг лашкарин олиб бориб, Қора шитни чопиб, иниси Сарангни олиб эсон-омон әвина келди. Кўкам Бақуй йигирми йил подшоҳлиқ қилиб вафот топди.

## АРСЛОН ЎҒЛИ САРАНГНИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Кўкам Бақуй ўлгандин сўнг иниси Сарангни подшоҳ қилдилар, ул тақи ўн йил подшоҳлиқ қилиб, отаси кеийинидин кетти. Андин сўнг Ўғуз әлинидин подшоҳ бўлған қиниқ уруғиндин Салжуқбой бошлиқ кўп әл кўчуб Сир ёқасинда Хўжанд шаҳрина келдилар, анда кўп йиллар ўлтуруб, Нур вилоятига бордилар, анда юз йил ўлтуруб кўчуб Урганч бордилар, Урганчда ўлтура билмай кўчуб, Хурросон бордилар тақи Марвдин Абулхонгача ўлтурдилар, ул вақтда Хурросон султон Маҳмуд Фазлавийниң набираларининг қўллариnda әрди. Уларнинг давлатларининг косалари тўлуб тўқди деб турған вақт әрди, Салжуқийлар Марви Шоҳи жаҳон (жон) шаҳрини олиб Тугрулбекни (64-бет) подшоҳ қилдилар. Алп Арслон ва Султон Маликшоҳ ва Санжар Мозий муналар шул жамоатдин турдилар, ул подшоҳларнинг ҳикоятларини бизнинг айтмоғимиз ҳожат әрмас, биздин бурунги ўтганлар ул подшоҳларнинг насабларин баён қилмоқ учун чандон китоб айтиб турурлар. Аниңг ҳисобини худой таоло

яхши билур. Салжүқийлар туркман бўлуб, қариптошмида теб, зэлга ва халқға фойдаси тегмади, подшоҳ бўлғунча туркманнинг қиниқ уруғиданмиз тедилар тақи подшоҳ бўлгандин сўнг Афрасиёбнинг бир ўғли Кайхисравдин қочиб, туркманнинг қиниқ уруғининг ичина бориб, авда ўсуб қолиб турур. Биз анинг ўғлонлари ва Афрасиёбнинг наслиндин бўлурмиз, теб оталарини санаб ўттуз беш орқада Афрасиёбга еткурдилар. Ўғуз эли Кўкам Бақуй бирлан Сарангдин сўнг ўз бошина подшоҳ кўтариб ўлтура билмадилар, Ўғуз элининг Мангқишлоқ ва Абдулхонда ўлтурғанлари Урганчда ҳар ким подшоҳ бўлса, анға тобиъ бўлдилар ва Хурсоңда ўлтурғанлари Хурсоңда ҳар ким подшоҳ бўлса, анға тобиъ бўлдилар ва Мавроунаҳрда ва ҳар юртда ўлтурғанлари шундақ бўлдилар.

## САЛУР, ЎГУРЧИҚ АЛПНИНГ ОТАЛАРИНИНГ ВА ИНИЛАРИНИНГ ВА ЎГЛОНАРИНИНГ ЗИКРИ

Шоҳ малик бузуқлигинда Динглибек бошлиқ Ироқға борған салур эли кўп йиллар анда ўлтурғандин сўнг уларнинг ичинда Ўгурчиқ отли бир тугшили йигит пайдо бўлди, туркманларнинг тарих билатурған кишилари Ўнурчиқ Алпни ўн олти орқада Ўғузхонга еткариб, мундақ санаб турурлар ким Ўгурчиқ Алп отаси Қорағозибек анинг оти Қарабек (65-бет) анинг отаси Бенамғози анинг отаси Бўричиғози, анинг отаси Қиласғози, анинг отаси Иналғози, анинг отаси Сулаймонғози, анинг отаси Ҳайдарғози, анинг отаси Ўтқўвли Ўрус, анинг отаси Қозон Алп, анинг отаси Энқаш, анинг отаси Эндар, анинг отаси Ота, анинг отаси Темур, анинг отаси Салур, анинг отаси Тоғхон, анинг отаси Ўғузхон. Бу сўз мазах, ғалат турур. Анинг учун ким Ўғуз замониндин то бу вақтгача беш минг йил ўтуб турур, Ўгурчиқ замониндин то бу вақтгача беш юз йил, олти юз йил бўлуб турур. Ўғуз бирлан Ўгурчиқнинг ораси тўрт минг тўрт юз йил, ўн олти орқа тўрт юз йилда ҳарчанд кўп бўлса, тўрт юз эллик йилда ўтар. Бас Ўгурчиқнинг тўрт минг йилда ўтган оталарининг оти қани? Ебу битилган ўн олти киши Ўғуз ўғлонлари эркани рост ва Ўгурчиқнинг оталари эркани ҳам рост, аммо қайси киши ким эл ичинда машҳур бўлса, ани битиб турур ва ғайр машҳур кишиларни битмай турурлар. Худой билурким бу битилган кишиларнинг ҳар қайсисининг орасинда ўн беш ё йигирми кишининг оти битилмай қолиб турур.

Анинг учун айта туурмен ким Ўгуз бирлан Ўгурчиқ-нинг орасында түрт минг түрт юз йил кечиб туур, ҳар минг йилда қирқ орқа ўтса керак ким икки юз орқа ўтгай әрди, бас ғалат теган нечук бўлур. Бу фалакнинг гардиши-ни нимарсаларини унутурмаған туурким бу анинг қатинда саҳл туур. Бу сўзниң галатилиқи яна бир важхе, бу ким Салур Қазонни олти орқа ўтуб, еттиланчи орқада Ўгузхонга еткуруб туурлар. Эмди бу сўзини ўқуған ва тинглаған кишилар яхши фикр қиълинг, Ўгузхон бизнинг пайғамбардин түрт минг йил илгару ўтган туур, Қозон Алп бизнинг пайғамлардин уч юз йил сўнг әрди, қариган чақинда Макка (66-бет) бориб, ҳожи бўлуб келди. Бас Салур Қазан олти орқада Ўгузхонга нечук етар ва тақи Салур Қозон қайи Қўрқут ота бирлан бир замонда әрди, Қўрқут отанинг Салур Қазан Алпни маҳтаб айтған тартими (тариҳи) бу туур:

Қазгурт тогдин ўйгур тошни Салур Қазан ўтри боруб.

Қарбаб югирилатди, тутди.

Ит Бачна кўруб ану эси кетди;

Алплар, беклар кўрап борму Қазан каби.

Бир қозонга қирқ бир отнинг этин салди:

Ул қозопни сўл әлики бирлан олди.

Соф әлики бирлан әлга улапитурди.

Алплар, беклар кўран борму Қазан каби.

Қўк осмондин иниб келди, тинли йилан.

Ҳар одамни ютар әрди кўрган замон.

Салур Қазан бошин кесди бермай омон.

Алплар, беклар кўран борму Қазан каби.

Үттуз, қирқ минг лашқар бирлан

Қазан Ит Бачна әлларипи келди қириб,

Бориб бир нечаси қутулдилар кўп ёлбориб,

Алплар беклар кўран борму Қазан киби,

Турк ва туркман, араб, ажам раиятлар.

Қазан қилди мусулмонга тарбиятлар,

Қоғирларни қирди ўшал кўп фурсатлар,

Алплар беклар кўран борму Қазан каби.

Андин ҳунар кўтардилар барча ули (улуг),

Баъзиларга ўрун берди сағли, сўлли,

Бизга бўлди қамуғ әлинг ўрни дингли,

Алплар, беклар кўрап борму Қазан каби.

Сабоҳ саёҳ Қўрқут ўлар бўлдунг эмди,

Ул Қазанинг давлатина дуо қилғил;

Билғил, (67-бет) карвон кетди кўп кеч қолдинг,  
Алплар, беклар кўрап борму Қазан каби йўлга кирғиз  
эмди.

Үгурчиқнинг хикояти айталинг: ул замонда Ироқ-ници қуцли ҳалқи баёндур эли эрди, Үгурчиқ Алп баёндур бегининг ҳукмини тутмади, Баёндурбек Үгурчиқ бирлан ёман бўлди, Үгурчиқнинг Баёндур бирлан урушигуте қуввати йўқ эрди, минг эвлик эли бирлан Ирақдин қочиб шамайга келди, тўққуз юз эвлуги салур ва юз эвлуги қарқин эрди; анда ҳам ўлтурғали Баёндурдин кўркуб. Қрим келди, андин, кўчуб Итил сувини кечиб, Ейик сувини келди, ул вақтда Ола кеник ва Қора қош теган ерда қаниғли ҳалқи ўлтуруб эрди, онларнинг хонлариниң оти Қўктунли теган, анинг қашига келиб, бир неча йиллар ўлтурди, оқибат анинг бирлан ҳам ёман бўлуб, кўчуб қочти, Қўк тўили кейинидин етиб, етти юз эвлигин олиб колди, уч юз эвлик бирлан қочиб, Манганишлоқ бориб Қораҳон теган ерда уч йил ўлтурди. Қўн тўили Үгурчиқнинг қайда кетганин билмай турур эрдилар, уч йилдин сўнг, эшишиб отланди, анинг отланғанин Үгурчиқ эшишиб, эли бирлан қочиб, қутулуб Абулхон тогига борди, ул вақтда Үгурчиқнинг айтған тартими бу турур: дундум қочиб қаниғли хондин Қибла сўрдум,

Қор ел ошиб келган эр ўнгиндин дўндум .... (68-бет)  
Қарчиларға ерчиларга йўл бошлатдум;

Қояли, қорли икки қўла йўл юшшатдум;  
Арқит-арқит кирларга турчум салдум;  
Орт ўнгумга бузга солиб кўчум тортдум;  
Қар (қир) отимда (тог) йўлиндин ошиб, бордум;  
Қабоқлидин олинча юрт юртландум кўралдашиб  
ортимдин ёги атди;  
Қайқи бошли қати ёйга иш буюрдум;  
Қонли ирииғлиқа енг ўқға қон юргутдум;  
Чопса кесар курч-пўлодға туғ боғлатдум;  
Қиличим сириб бел эгшамда (энгсамда) қуйин  
қаздум;  
Ова қинилаб қар(да) ёйлаб балқан ашдум;  
Эгса ёсив Қора тогға ўғраб келдум;  
Қанқи гуруҳ тўй тутмади анда бўлдум;  
Олтун кўзли табушқани кетурди теб;  
Қаз аёги уч айри тамга бердум.

- Қорагози бекнинг тўрт ўғли бор эрди, аввал Үгурчиқ Алп, иккинчи Суварчиқ, учунчи Дудик, тўртунчи Қабачиқ, бу тўртнинг ўғлоплари Тангрим буюрса (69-бет) бир-бир айталинг. Үгурчиқнинг олти ўғли бор эрди, ҳар кўйинидин эгиз бўлуб, отлари бу турур: Берди, Буџа бир эгиз, Авсар (Ўсар) Қўсар бир эгиз; Ёбчи Диғли бир

әгиз, Бердининг икки ўғли бор эрди, бирининг оти Қулми ва бирининг оти Қул ҳожи; Қулмининг ўғлонлари Ёвмут ва Қалтак эли туур, аммо Ёвмутнинг икки ўғли бор эрди, бирининг оти Үзли Темур эрди, бирининг оти Қутли Темур, аммо Үзли Темурнинг уч ўғли бор эрди, отлари бу туур: Исо ва Мусо ва Баҳром шоҳ; Қутли Темурнинг уч ўғли бор эрди, отлари бу туур: Жуни ва Ширан ва Қучиқ; Қулжоҳи ўғли Арсарибой, анинг уч ўғли бор эрди, Иналгози ва Зайналгози ва Мустафогози; Иналгозининг икки ўғли бор эрди, бирининг оти Тўра ва бирининг оти Сўқман, Лайна ва Чоршанқи бу иккисининг ўғлонлари туур; Зайналгозининг ўғлонлари Қора ва Бакавул туур (70-бет), Мустафогозининг ўғлонлари Улуғ Тўпа ва Кунаш туур. Буқа ўғлонлари ички салур туур ва яна бир номада мундақ демишлар ким салур Әлинда бир кипи бор эрди, Энкаш отли хотунининг оти Чачақли, ўғлиниң оти Қазан Салур, Қазан Алп тегин ул туур, ул замонда бачна әлиниң бир подшоҳи бор эрди, Тўймадуқ отли, ул келиб Энкашнинг эвии чопиб Чачақлини асир этиб олиб кетди, учайилдин сўнг Энкаш мол бериб ани қайта олди, Чачақли эвга келгандин олти ой (дин) сўнг бир эркак ўғул топди, Қазан Алп онасина бу ўғлонни сен қайдин олдинг теб ёғоч бирлан уруб бошин ёрди. Чачақли айтди: ёғи келди қарариб, қочиб кетдииг бўзариб, тевага мениб кейининдан бора эрдим қабариб, Ит Бачна изимдин етди, теванинг бошин тутди, ичи қайнади, тоши ёйнади, устумга мениб ўйнади, ихтиёrimни бўлди, бу ўғлонни ичимга солди теди, ул ўғловий Ит Бачна әлиндин бўлди, теб отини Ирак қўйдилар, турк ичинда расм бў туур, итнинг отини Ирак-серак қўймақ, Иракнинг бир ўғли бор эрди, Ариқли отли, ички салур Ариқли отли, ички салур Ариқлиниң ўғлонлари туур, теб туурлар: ул замондá биз йўқ эрдук, чипин ва ёлғанин Худой яхши билур, агар ёлған бўлса, гуноҳи бурунқи айтқанларнинг бўйнига (71-бет) Авсар (Ўсар) ўғлонлари тарокимайи салур туур, Дингли ўғлонлари Жаби халқи туур, Ёйчи ўғлонлари бу вақтда Аму сувининг ёқасинда Қора кўл ёқининда ултурууб туурлар, бу чакда ҳам алларни ёйчи дейтуурлар, Ўгурчиқнинг беши ўғлиниң наслини баён қилдуқ, аммо Қусар отли ўғлиниң пасл қолғани матълум эрмас, эмди Ўгурчиқнинг ишиларининг наслин баён қиласлиниг. Суварчиқнинг бир ўғли бор эрди, Хуршид отли, Улам Урганчлий эли Хуршиднинг ўғлонлари туур, Азлар уруғи Дудиқнинг насли туур. Сақар эли Қабачиқ насли туур. Ўгурчиқнинг ишилари ва ўғлонларининг наслларини айттуқ.

Әмди ўага әлларни айталинг. Ағар ва аймақли әли уйғур Эркил хұжа ким Үгүзхоннині ўғли Қуынхоннинг вазири әрди, аниңг ўғлонлари турур. Ямир әли халқининг асли мұндақ турур ким Мангқишлоқда ичкى салурдин бир киши бир ичкى салурни ўлтуруб, қочиб Дурунда ўлтурған салур әлиниң ичина келиб туруб тақи айлардин бир қиз олиб, анда ватан қилиб ўлтуруб турур, барча ямир әли-халқи ул кишининг ўғлонлари турурлар. Бурқас Салур әлинде Темур Туғлихон теган бор әрди ва тақи салурдин Исиқ Исмоил отли бир киши бор әрди, бир ердин кела турур әрди, күрди әрса, Темур Туғли хоннинг әви күча турур, отдия тушуб ўлтурди, күч узаб келғандын (72-бет) сұнг, шояд бир нимарса қолған бұлғай теб, юртқа борди әрса, күрди ким ўчоқ ичинде бир ёш әрқак ўғлон ётиб турур. Ул кишининг ўғлони йўқ әрди, ани ўзига ўғул қилиб сақлади ва отини Бурқас қўйди, барча бурқас әли аниңг насли турурлар, така ва сариқ салур әлинде бир киши бор әрди, Тўй тутмаз така ва сариқ әли аниңг ўғлонлари турурлар.

### СҮНГ ТУРКМАН БҰЛУБ, ТУРКМАНГА ҚЎШУЛҒАН ЭЛЛАРНИНГ ЗИКРИ

Эски, ул замонда ким Урганчда Абулхон ва Мангқишлоқ Үзбекхоннинг ўғли Одил Жонибекхонга тааллуқ әрди. Жонибекхон Ўйғур Саниқли Син теганини туркман ичина йибарди то уларнинг айбли ва гуноҳкорларини сұрсун теб ул келиб, әл ичинде бир йил турди, ҳар ерда гуноҳкор ва айбли бўлса, сўрай турур әрди, навкари ва қуллари кўн әрди, Аёз отли бир қули бор әрди, барча қуллардин пеш қадам ул әрди, туркманинг гуноҳкорлари ким бошимдин ё молимдин айрилурмен теганлари барчаси бир ерга йиғилиб, Аёзға қўп ришватлар бериб, айтдилар. Ким агар сен бегингни ўлтурсанг, биз әлдин олган молларни ва эвдин көлтурған қўшини барчасинсанға бералинг, ҳар қачон Жонибекхон киши йибариб, сени тиласа, биз халқ сенинг учун қириллали ва йўқолали, сени тутуб бермагали тедилар. Аёз қўп молға ва буларнинг ширин (73-бет) сўзина қўнглини бериб, бир кеча ғофил ётғанда Саниқли Синни ўлтурди. Хожасининг молиндин Аёзға бир ўғлоқ ҳам тегмади, ҳар ерда қўйған молларга ким яқин бўлса, айлар тилаб олдилар, Саниқли Синнинг навкарлари Жонибекхон қатиға қайтиб кетдилар, Аёз қўрққаниндин кета билмай Абулхон тогинда ўлтурған туркманларнинг ичинда қолди, ўшал

йил Жонибекхон Итил сувивинг ёқосинда Сарой шаҳ-  
ринда ҳақ раҳматига кетти ва барча әски халқи шул  
Аёзинг ўғлонлари туур. Хизр әли салур әлиидин Абул-  
хонда Арсарибой теган бор әрди, узоқ умр топқан, дав-  
латли ва мусулмонлиққа құшиш қила турған киши әрди,  
бу сүзимизпинг далили бу ким ул замонда Урганчда бир  
азиз киши бор әрди, Шариф отли, шайхлик маснадинда  
ұлтурған ва ҳам мулла әрди, Арсарибой бориб шайхи  
мазкурға қырқ тева циёз бериб, инобат қилиб, илтимос  
юзиидин арз қилди ким биз түрк халқи туурмиз, арабий  
китобларини ўқуб, маънисига етишиб, амал қилмақлиқ  
баси мушкул бўлатурур, агар арабий масъалаларни тур-  
кий таржима қилиб, иноят қилсангиз әрди, савобга шерик  
бўлур эрдингиз теди әрса, шайх Шарафхўжа тақи барча  
масъалайи динийни таржима қилиб, бир китоб әтиб  
«Муаййинул мурид» оти қўюб Арсарибойга берди. Ул  
вақтдин то бу кунгача барча туркманлар ул кигобининг  
масъалалариға амал қилатурурлар.

Ул вақтда Эров подшоҳи Хуросонни Қамабек теган-  
га бериб (74-бет) әрди, ул Хуросон келгандин сўнг  
әшитди ким Абулхонда Арсарибойни Мома отли кўр-  
кали яхши қизи бор әрмиш теб киши йибариб, кўп мол  
берайин теди тилатди, бой бермади, бермасин билган-  
дин сўнг Қамабек кўп черик бирлан отланиб, Абулхонда  
дукар теган қудуқда Арсарибойни шаҳид қилиб, әлини  
чопиб Мома бекани олиб бориб никоҳ қилиб кўп йиллар  
сақлади, Мома бекадин ҳеч ўғлон бўлмади, ул сабабдин  
Арсарибойнинг ўғлонларига киши йибарди, қаринтош-  
ларини олсуилар теб, булар Қўлтақ, Қорача мерган  
теганинни йибардилар. Қамабек Мома бекага кўп мол бе-  
риб, Қорача мерганга топшуруб йибарди, бир эвли қуя  
тақи бериб әрди, ул қулнинг тўрт ўғли ва икки қизи бор  
әрди, улуғ ўғлининг оти Хизр, иккинчи ўғелицинг оти  
Али ва учунчи ўғлининг оти Игбек ва тўртунчи ўғли-  
нинг оти Қашға, Момабека қари бўлғандин сўнг молла-  
рининг барчасини Худой йўлиға берди. Қамабек берган  
қулнинг ўзи ва хотуни ўлуб әрди, тўрт ўғли ва икки  
қизни озод қилиб йибарди, тўртуси ҳам әвли ва кўп мол-  
ли кадхудойлар бўлуб ҳар қайси бир ерда ұлтурдилар.  
Хизр чура Аму сувининг ёқасинда Гардиш теган ерда  
әкин әкиб әкиб ва ҳам чаҳорпойдорлиқ қилиб (75-бет)  
улут бой бўлди, ул вақтда ўзбекни мӯғул дерлар әрди,  
тўрт мӯғул келиб, Хизр чурага етим бўлуб, молларин  
боқди. Андин сўнг олти салур келиб етим бўлди, аллар-  
нинг барчаси давлатманд бўлдилар атроф ва жавониб-  
дин оч ариқ ва чаптурған, олдирған келиб, буларға қў-

шулуб ўлтурдилар, кўп эл бўлдилар, апларнинг юртла-  
рининг юқориси Тўи Қири ва аёги Қири кечит эрди, ҳар  
киши авлардин не халқсиз теб, сўрса Хизрбойнинг ки-  
шиларибиз дерлар эрди, бора-бора халқ апларга Хизр  
элав тедилар, Хизр әлиидин бир уруги бўлур. Анга Қут-  
лар (Куртлар) дерлар, аплар Хизр чуранинг наслиндин  
турурлар. Эмди Хизрнинг иинси Алини айталинг: Али  
чўра тақи ақаси-тег Аму сувининг ёқасинда юрт тутуб  
ўлтурди ва давлатни бўлди, ўзбек ва туркманинг фақи-  
ри ва мискини аниш қатинда ўлтурдилар, апларнинг  
барчасига Али эли тедилар, Али элининг ичинда бир  
уруги бўлур, мўгулчиқлар теган аплар Али чўрапиниг  
насиинди турурлар, уларнинг юрги Аму сувининг икки  
тарафидда юқориси Қири кечит, аёги Ақтам, учунчи  
иинси Йибек озод бўлғандиң сўнг Арсарибой ўлонлари-  
нинг қатиндин айрилиб ўзга ерга кетмади, аниш ўғлон-  
ларига қўллар тедилар, аплар ҳам икки бўлак бўлдилар,  
бирисина қўллар дерлар ва бирисина чигатой қўллар дер-  
лар. Чигатой демакнинг маъниси ул туур ким Хуро-  
сон Темурлининг авладининг қўлинида эркаца улур тўпа  
хатти Абулҳонда Аму сувининг ёқасинда ўлтурған, эркан  
турурлар. Аму сувининг қибла тарафинда бир Қўқ отли-  
кини келиб, фарёд килиб айтиб туур; мени ўткази-  
вилар теб, улуж тўналар кема йибариб, ўтказиб, суруб  
турурлар, ким бўлурсен ва қайдиц қелатуурсен теб уй-  
йигит айтиб туур, Чигатойнинг арлат теган уруғиндин  
бўлурмен, бир кун Хуросоннив Дурун теган вилоятида  
бир печа йигитлар бирлан шароб ичиб ўлтурууб эрдуқ,  
иҷимизда бир яхши киши бор эрди, ул месинг бирлан  
урушти, мен аниш цичоқ бирлан санчтим, ул киши  
шун замон ўлди, кеча эрди, ўлганин қаринтошлари ха-  
бардор бўлмасдин бурун қочиб, сизнинг халқни бутуб  
келибмен, теди тақи кўп йиллар улур тўча ичинда юрди.  
Ҳеч кипи анга қиз бермади, ахир Йибек чўранинг ўғлон-  
лариндин бириси анга қиз берди, авдин тўғрайларга чи-  
гатой қўллар тедилар. Турутунчи Қашқа чўра ул тақи  
Аму сувининг ёқасинда ачи тенгизнинг яқининда юрт  
тутуб ўлтурдилар. Аниш ўғлонларина Қора эвлилар теди-  
лар, улуг ақаларидан давлатли бўлуб, мунинг қатига  
ҳеч киши келиб қўшулмади, аниш учун ўлтурған ери  
ёмон эрди, экин экар ери йўқ эрди, мол ўтлар ўти ҳам  
оз эрди. Тевачи эли Сайинхон авлодидин, ул киши ким  
мусулмон бўлди. (77-бет) Ўзбекхон алайҳу раҳма эрди,  
ул Итил сувининг ёқасинда Сарой шаҳринда вафот топди,  
ўғли Жонибекхон отаси тахтида ўлтурди, Ўрганц ва  
боши Қарғали илк ва аёги Астрободғача ўлтурған турк-

ман Жонибекхонға тааллуқ әрди, хонға айтдилар ким Абулхон тоғи тева ўсгали ажайып яхши ер гуур геб, бу сабабдин хон ўттуя әвли сарбонни күчуруб, Абулхон тоғиға йибарди, аниң ичинде әр уруғдин бор әрди, бар-часи маълум туурү ким подшоҳлар хизматига ҳар той-ғадин бўлур, анлар ҳам шундақ әрдилар, Жонибекхоннинг бир кишиси Абулхон туркманига келиб, ҳар йилда олатурған молларини олиб, кўп тевани айтилған ўттуали тевачига тошшуриб кетди, то Жонибекхон ўлгунча Абулхонда ўлтурдилар, онларга тевачилар тедилар Жонибекхон ҳам ҳақ раҳмагига борди ва ўғли Бердикбек хон бўлди. Аниң замонийнда ҳам гевачилар хонлик тевани бақиб ўлтурууб әрдилар, Бердикбекхон ўлгандин сўнг Ўзбекнинг ичи бузуқ бўлди, ани Абулхон туркмани ёшитиб, хоннинг теваларини таладилар, тевачиларни чондилар, андин сўнг тевачилар очлиқ сабабдин балиқ овларбиз теб, Қашқа чуранинг ўғловлари қора әвлилар қатига бориб ўлтурдилар, бир неча йилдин сўнг тевачилар кўп ҳалқ бўлдилар, онларнинг юртларининг юқориси Ақтам аёғи Ўгурча әрди, Қора әвлилар тевачилар ичинда кўп орқа ўлтурдилар (78-бет). Айлардин Халил отли бир түғшили йигит пайдо бўлди, ул вақтда Қора әвлилар ёрли бўлуб әрдилар. Ул сабабдин Халил бошлиқ барчаси арсари ҳалқининг ўнбеги ва ихшиларининг олдиға келиб айтдилар ким ўзунгиз хизматкорларингиз әрдук, кўп оч ва аруқ бўлуб туурмиш, сизлардин ўтунимиз ул туурү ким улуг Абулхон ва кичик Абулхон тоғининг қўшларин ва өқив әкатурған ҷашмаларин бизга берсангиз сиз ҳар пимарса тесангиз ҳар йилда ани биз сизга бералинг тедилар, арсари яхшини пари йиғилиб ўлтурууб айтдилар ким улуг отамиш Арсарибой сотқун олған улуг Абулхонда отли оқар ҷашма, ўн эва лочин ва ўн саккиз ит олғу ва кичик Абулхонда тўрт эва лочин ва олти эва итолғу бор туур, ҷашмалардин ҳам нечоқли ошлиқ ҳосил бўлса, аниң ёрини бизга беринг ва тақи аран тегмак учун икиси минг қамиш беринг, ўн улуг лочин ва тўрт жўра (чўра) Лочин ва ўн саккиз улуг итолғу ва олти сарича ҳар йилда келтурууб беринг тедилар, Қора әвли Халил қабул қилди ва тақи айтди ким бизнинг қўшларини олғали, урганимиз ўқ ва тедилар, ўнбеги ва яхшилар әлдин йигиб айт, ёшиттуруб озуқимиз йўқ тедилар, ўнбеги ва яхшилар әлдин йигиб айт, ёшиттуруб юз қулоч аргамчи ва олти ўглоқли әчки ва икки тулас (тулум) чўгалик ва бир эшак бердилар Онлар кўп йилларғача бу айтилған пимарсаларни берурлар әрди, бу вақтда анларни тог сақарти дейтуурлар, анипг учуни

Қашға чұранинг ўғлонлари турур, Қашға бирлан (79-бет) сақарининг маңиси бир турур.

## ҰҒУЗ ЭЛИНА БЕКЛИК ҚИЛҒАН ҚИЗЛАРНИНГ ЗИКРИ

Түркманинг тарих билатурған яхшилари ва яхшилари айтиб туурлар: етти қыз барча ўғуз әлини оғзина бақындурууб, күп йиллар беклик қилдилар. Айларнинг бири Олтуп Күзача Сундуы бойнинг қизи ва салур Қазан Алпнинг Ҳали (Хили) бүйи узун бўлур эрли. Иккичи Қаромиш бойнинг қизи ва Мамашбекнинг ҳали (ҳили) Барчин Салур эрди, аниг қабри Сир сувининг ёқасинда туурур ва халқға машҳур туурур, ўзбек апга Барчиннинг Кўк кошона дер, кошинкорли яхши каниз туурур, учунчи Қайибойнинг қизи ва чавулдур Бола Алпнинг ҳали (хотуни) Шабати эрди; тўртунчи Қўндибойнинг қизи, Бияган Алпнинг ҳали Қунин Кўркли эрди, Бешинчи Юмақбойнинг қизи, Қақин Қўнақ Алпнинг ҳали тақи бир Қунин Кўркли эрди. Олтинчи Али Арслоннинг қизи Кастан Қора Алпнинг ҳали Керча Бўлади эрди; еттинчи Қиниқбойнинг қизи Дўдалбойнинг ўғли (80-бет) Қимачнинг ҳали (ҳили) Қуғадли эрди.

Тарих минг тақи етмиш бирда Хоразм мамлакатинда таҳрир топди, таммат китоб битилди.

Илмий-маърифий асар

Ўзбек тилида

Абдулғозий Баҳодирхон  
ШАЖАРАЙИ ТАРОКИМА

Мусаввир X. Медмонов, расмлар муҳаррири У. Солиҳов,  
мусақҳиҳ Ш. Соатова, техник муҳаррир Е. Толочко

ИБ № 0552

Босмахонаага 14.07.94. да берилди. Босилгига 2.02.95 да рухсат ётилди.  
Бичими 84×108<sup>1/2</sup>. Босма қозоzi. Юқори босма Нашр л. 2,63. Шартли  
босма табоги 2,52. Шартли бўёкли босмада, нашр ҳажми 2,94. 30.000  
пушчада Буюртма № 518. Шартнома № 1—95 Бахоси шартнома асосида.

Чўлпов нашриёти. 700129. Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида чоп ётилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродог  
кўчаси, 1-йи.

11

~~✓~~ C A

